

ЎЗБЕКИСТОН — БРАЗИЛИЯ МУНОСАБАТЛАРИНИ СИФАТ ЖИХАТИДАН ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 12 май куни ташриф билан мамлакатимизга келган Бразилия Федератив Республикаси ташқи ишлар вазири Мауро Виейрани қабул қилди.



Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Бразилия Президенти Луис Инасиу Лула да Силванинг салом ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Ўзбекистон — Бразилия муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш масалалари муҳокама қилинди.

Олий даражада тизимли мулоқотни йўлга қўйиш, сиёсий ва парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажмини ошириш, ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш, кимё, электротехника, фармацевтика ва саноатнинг бошқа тармоқларида қўшма лойиҳаларни илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Қишлоқ хўжалиги, селекция, туризм, спорт ва бошқа йўналишлардаги ҳамкорлик истиқболлари кун тартибда бўлди.

Белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Хукуматлараро комиссия тузиш таклиф этилди.

Томонлар халқаро даражадаги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар, бўлажак тадбирлар режасини муҳокама қилдилар.

ЎЗА

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА БЮРОКРАТИЯНИ ҚИСҚАРТИРИШ ТИЗИМДА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёев давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида бюрократияни қисқартириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат хизматларини аҳоли ва тадбиркорлар учун қўлай, тезкор ва шаффоф қилиш бўйича кенг қўлмали ишлар амалга оширилди. Давлат хизматлари кўлами 10 баробар кўпайиб, 61 миллиондан ошди. Уларнинг 80 фоизи он-лайн шаклда кўрсатилмоқда. Биргина 2025 йилнинг ўзига тадбиркорликка оид 2 мингдан ортиқ мажбурий талаб бекор қилинди.

Шу билан бирга, соҳада ортиқча тартиб-таомиллар, қўғозбозлик ва тақдорланувчи талаблар ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Бугунги кунда давлат органларида 5 минг 650 та функция, бизнесни тартибга солувчи 42 мингдан зиёд мажбурий талаб ва 1 минг 41 та давлат хизмати мавжуд.

— Бундай кўп функция ва талаблар тизимини самарасиз, қimmat ва баъзан адолатсиз қилиб қўйиши мумкин. Шу боис, фақат дерегуляция, рақамлаштириш ва соддалаштириш — энг тўғри йўл, — деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистонни 2030 йилга қадар «ортиқча бюрократиядан холи ҳудуд»га айлантириш мақсадида Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда «Бюрократияни бартараф этиш — 2030» дастури бошланган. Стратегик ривожланиш ва ислохотлар агентлиги хузурида алоҳида лойиҳа офиси ташкил этилган.

Дастур доирасида давлат органлари функцияларини 30 фоизга қисқартириш, бизнесга қўйилаётган талабларни 20 фоизгача мақбуллаштириш, электрон давлат хизматлари улусини 90 фоиздан ошириш кўзда тутилган.

Тақдимотда давлат хизматларини «сервис давлат» модели асосида тубдан такомиллаштириш бўйича таклифлар кўриб чиқилди. Бунда асосий эътибор давлат хизматини бирорта ортиқча ҳужжат талаб қилмасдан, тез, шаффоф ва қўлай кўрсатишга қаратилди.

Хусусан, 783 та давлат хизмати «ноль бюрократия» тамойилини жорий этиш таклиф қилинди. Бу орқали 550 турдаги давлат хизмати электрон шаклга ўтказилиб, хизмат кўрсатиш босқичлари 2 қарра қисқаради. 80 турдаги хизмат проактив ва композит шаклга ўтказилади. Натижада аҳолининг тури идораларга келиш учун сарфланган йилга 35 миллиард сўмгача транспорт харажати тежалди.

Яна 80 турдаги хизматни кўрсатиш муддати 2-3 қарра қисқартирилиб, ўртача муддат 13 кундан 6 кунга туширилади. 10 та хизмат тўлиқ автоматлаштирилади. 25 та хизмат бўйича тўловларнинг камайтирилиши натижасида аҳоли ихтиёрида йилга 851 миллиард сўмгача маблағ қолади.

▶ Давоми 2-бетда

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ ҲАМДА ЧОРВАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА ИМКОНИАТЛАР КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда чорвачилик соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат таъминотини барқарорлаштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини еттиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш бўйича кенг имкониятлар яратилган. Бугунги кунда 4 миллион гектар экин майдони, 1,5 миллион тонна ситимга эга сақлаш омборлари ва 3,5 миллион тонна маҳсулотни қайта ишлаш қувватлари аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, шунингдек, 4 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон 2030 йилга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари экспортини 10 миллиард долларга етказиш, экспорт географиясини яна 100 та давлатга кенгайтиришни мақсад қилган.

Йиғилишда ушбу марраларга эришиш учун озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини халқаро стандартларга тўлиқ мос бўлиши зарурлиги таъкидланди.

Ҳозирга қадар озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва назорати билан учта идора шуғулланиб келмоқда. Оқибатда санитария, ветеринария ва карантин органлари ўртасида ягона маълумотлар базаси шаклланди, айрим вазифа ва функциялар бир-бирини

такрорламоқда. Бу эса тадбиркорларнинг экспорт ва импорт жараёнида ортиқча овозгарчиликка дуч келишига сабаб бўлмоқда.

Ўсимликлар карантини агентлигида 100 та, Ветеринария кўмитасида 115 та, санитария-эпидемиология тизимида 44 та вазифа ва функция мавжудлиги, шу билан бирга, маҳсулотни «етиштиришдан истеъмолчигача» кузатиб бориш тизими тўлиқ йўлга қўйилгани кўрсатиб ўтилди.

Экспортга ҳам ҳал этилиши зарур бўлган масалалар бор. Хусусан, Европа Иттифоқи томонидан маҳсулотларимизда пестицид қолдиқлари мавжудлиги бўйича 25 та оғоҳлангичи берилгани қайд этилди. Бу халқаро бозорларда рақобатбардошликни ошириш учун маҳсулот хавфсизлигини назорат қилиш тизимини тубдан ўзгартиришни талаб қилади.

Амалда назорат идоралари фақатгина яқин маҳсулотни текшириш билан чегаралангани, ишлаб чиқариш занжирида озиқ-овқат маҳсулотни хавфсизлигини кафолатловчи халқаро стандартларни жорий қилишга етарлича эътибор қаратилмагани қайд этилди.

▶ Давоми 2-бетда

29-ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ САММИТИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Хурматли саммит иштирокчилари! Хонимлар ва жаноблар!

Евроосиё иқтисодий саммитининг барча иштирокчиларини самимий қутлаш ва энг эзгу тилаklarимни йўллашдан бағоят мамнунман.

Ўтган ўн йиллар давомида Саммит етакчи сиёсатчилар, ишбилармон доиралар ва экспертлар ҳамжамияти вакилларини бирлаштирган муҳим мулоқот майдони сифатида ўзини намойён этди.

Анжуманининг Истанбулда ўтказилиши алоҳида рамзий маънога эга. Асрлар давомида бу бетакорор шаҳар Европа ва Оснй ўртасида кўприк бўлиб, минтақалараро маданий ва савдо-иқтисодий алоқалар ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келади.

Бугунги кунда замонавий Туркияда Президент Режеп Таййип Эрдоғанининг «Туркия асри» стратегик ғояси муваффақиятли амалга оширилаётганини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истар эдим.

Туркия глобал кун тартибидидаги долзарб муаммоларни самарали ҳал этиш йўлида ўз савий-ҳаракатларини тўлиқ сафарбар этиб, халқаро муносабатларнинг ишончли ва нуфузли иштирокчиси сифатида таъсири ортиб бормоқда.

Президент Эрдоғанининг қатъий интилишлари туфайли бугун Ўзбекистон ва Туркия муносабатлари кенг қўламли стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг энг устувор йўналишлари Евроосиё иқтисодий саммитининг асосий мақсадлари — тенг ҳуқуқлилик, ишонч ва ўзаро ҳурматга асосланган кенг қамровли шериклик ва барқарор тараққиёт тамойилларига тўла мос келади.

Хурматли анжуман қатнашчилари! Бу галги Саммитнинг асосий мавзуларидан бири сифатида сув танқислиги ва «яшил» ресурслар шароитида глобал масъулият масаласи бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Дунё тобора авж олаётган иқлим хавф-хатарларига, хусусан, чўланиш, туپроқ эмирилиши, сув танқислиги ва экологик вазият ёмонлашувига дуч келмоқда.

Марказий Оснйда ушбу жараёнлар айниқса кескин намойён бўлапти: ҳарорат ошиш суръатлари кўрсаткичи жаҳон миқёсидаги ўртача меъёрлардан юқори бўлиб, музликлар эмирилишда, туپроқ деградацияси кучаймоқда.

Бундай шароитда экологик барқарорликни таъминлаш Янги Ўзбекистонни тараққий эттиришнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланган.

«Яшил макон» лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туپ дароҳт экилмоқда, Орол денгизининг қуриган тубида эса улкан яшил ҳимоя майдонлари яратилмоқда.

Биз ривожланишнинг яшил моделига изчиллик билан ўтқоздик, бу жараёнда зарарли чиқиндилар ҳажмини 35 фоизга қисқартириб, 2035 йилга қадар уларни 50 фоизгача камайтиришни мақсад қилиб олганмиз.

Шу билан бирга, сув ресурсларини самарали бошқариш, жумладан, сув тежовчи технологияларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса ҳар йили катта миқдорда сув захираларини тежаш имконини беради.

Ўзбекистон бундан буюн ҳам «яшил» кун тартибининг фаол илгари суриш ҳамда глобал экологик хавфларни самарали ҳал этиш йўллари топишга ҳисса қўишни фаол давом эттиради.

Шу муносабат билан сизларни мамлакатимиздаги халқаро тадбирларда, хусусан, Самарқандда бўлиб ўтадиган Глобал экологик жамғарма Ассамблеясида ва Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумида иштирок этишга таклиф этаман.

Ишончим комил, биргалликда амалга ошириладиган савий-ҳаракатларимиз халқаро иқлим ҳамкорлиги кун тартибига, жумладан, БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича бўлажак конференциясига тайёргарлик жараёнига амалий ҳисса қўшади.

Қадрили тадбир иштирокчилари! Ўзбекистон кенг қўламли ҳамкорлик учун доим очик ва келгусида ҳам барқарор ривожланишни таъминлашга қўмаклашишга тайёр.

Биз барча савий-ҳаракатларимизни бирлаштирган ҳолдагина бугунги ва келгуси авлодлар учун фаровон келажақни таъминлай оламиз.

Саммит қатнашчилари фаолиятига омад ва катта амалий натижалар ёр бўлишини тилайман.

Эътиборингиз учун ташаккур.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

“Риёсиз сўзлар” мақоласини ўқиб...

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ФИДОКОРИ

Усмон Азимнинг “Риёсиз сўзлар” мақоласини қайта-қайта, адашмасам, бугуннинг ўзида 5-6 марта ўқидим. Чунки шоир барчамиз бошимиздан ўтказган дарду хасратлар ва эртанги кунга қатъий ишончимизни оддийгина, халқона тилда ифодалаб берибди. Мақолада баён этилган ўтмиш воқеа-ҳодисаларининг ҳеч биримизга бегона эмаслиги, бугунги янгиликларга доир рўй-рост, самимий фикрлар ҳар қандай ўқувчи эътиборини тортмасдан қўймайди, назаримда.



Ўқувчилик давримдан бошлаб Шукру Холмиров, Усмон Азим ва Эркин Ўзтам асарларини ўқиб, адабиётга ошно бўлганман. Шунинг учун ҳам муҳлис, ҳам газетчон сифатида ушбу мақолада айтилган фикрлар мени бу сатрларни ёзишга ундади.

Авалло, Усмон Азим томонидан жуда катта мардлик ва довоарлик билан айтилган барча фикрларни олқилашман. Шуниси аҳамиятлики, босиб ўтган йўлларимиз ва кўргуликларимизнинг барчаси шоир томонидан бирма-бир, босқичма-босқич ва тўлалигича ёритилган.

Мақолада сўнгги йиллардаги барқарор ривожланиш, бўлаётган ижобий ўзгаришлар ва халқимизнинг буюк келажаги йўлидаги ислохотлар катта ифтихор билан муносабатсиз баён қилинган.

Шоирнинг ўзи айтганидек, «Йўқ, ҳушодам қилиш ниятим йўқ, Нимага ҳушодам қиламан? Ешим бир жойга борган бўлса, мукофоту унвонларни ҳам ҳеч кимга лиқилламай олган бўлсам...».

Шоир давом этади: «Бу оламшумул зафарларнинг ортида бир кишининг, ҳа, бир кишининг — Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мирзиёевнинг фидокорлиги турибди.

Оз эмас, кўп эмас, янги Ўзбекистонни қурмоқчи бўлган шу азамат инсоннинг мисли кўрилмаган фидокорлиги».

Усмон Азим мард ва жасур шоир, тўғрисиқ ва дангал инсон. У қайд этганидек, Термиз мамлакатимиздаги энг яшил шаҳарлардан бири бўлиб борапти, улкан бунёдкорлик майдони ва юртимиз жанубидидаги илм-фан марказига айланган ҳам айна ҳақиқат.

Ўз навбатида, сеvimли шоиримиз Усмон Азим фикрларига қўшимча равишда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг дастлабки паллаларидан бошлаб олимлар нуфузини, олий ўқув юрглари профессор-ўқитувчиларининг иш ҳақини оширишга, устозлар, ўқитувчи-муаллимларнинг жамиятда тутган ўрни, маънафини, макомини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидламоқчиман.

Биз, олимлар бугунги ислохотлар самараси янги Ўзбекистонни дунёнинг энг тараққий этган давлатлари қаторига олиб чиқишига, ватанимизнинг эртанги кунини янада порлоқ, тинчлиги ва тараққиёт йўли барқарор бўлишига жуда-жуда ишонамиз. Зеро, Усмон Азим айтганидек, «Ватанимизнинг бугунини ва эртасини яратишга ватанпарвар, халқпарвар, ишбилармон ва адолатли инсон бел боғлаган!».

Ҳайит ТўРАЕВ,
кимё фанлари доктори, профессор

ДИЕН КЕЙТА: “ЎЗБЕКИСТОН ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШНИ МУСТАҲКАМЛАШДА СЕЗИЛАРЛИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШДИ”

Бухорода бўлиб ўтадиган иккинчи Оснй хотин-қизлари форумида иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф бурган БМТ Бош котиби ўринбосари, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) ижрочи директори Диен Кейта “Дунё” ахборот агентлиги мухбири саволларига жавоб берди

бўлиб, уларнинг 55 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этади.

Яқин ўн йилликларда аҳоли сони янада ўсиши прогноз қилинмоқда. Бу демографик салохиятни ривожланиш, инновациялар ва инклюзив иқтисодий ўсишнинг кучли двигателига айлантириш учун катта имкониятдир.

Ўзбекистон ёшлар салохиятига сармоя киритишга жиддий интилишни намойиш этаяётгани бизни руҳлантиради. Демографик ўзгаришларга бу ерда шунчаки бошқаришни талаб қиладиган муаммо эмас, балки

стратегик устунлик ва миллий ривожланиш ресурси сифатида қаралади.

Мамлакатда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ислохотлар кечмоқда. Жумладан, таълим олиш имкониятларини кенгайтириш, соғлиқни сақлаш тизимини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар имкониятини кенгайтириш борасида кенг қўламли савий-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

— Ўзбекистон ёшлар улуси юқори бўлган демографик салохиятга эга мамлакат. Айтиш-чи, Ўзбекистоннинг демографик дивидендини амалга ошириш тажрибасини қандай баҳолайсиз ва ундан барқарор

фойдаланишнинг асосий омиллари нима-лардан иборат?

— Ўзбекистон ўз тараққиётининг энг муҳим демографик босқичида турибди. Мамлакат аҳолиси 38 миллиондан ортиқ

2026 йил 13 май, 96-сон

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШДА БЮРОКРАТИЯНИ ҚИСКАРТИРИШ ТИЗИМДА ШАФФОФЛИКНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, 10 та хизматни хусусий секторга ўтказиш, 15 та маълумот ва хўжаликни рақамлаштириш белгиланмоқда. Бу орқали 270 дан ортиқ хизматда ушбу маълумот ва хўжаликни қайта сўраш амалиёти бекор қилинади.

Мажбурий талабларни қайта кўриб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, бозорлар фаолиятига доир 20 га яқин ҳужжатда 500 дан зиёд талаб тарқоқ ҳолда юритилмоқда. Уларни тизимлаштириш орқали талабларнинг 30 фоиздан ортигини мақбуллаштириш мумкинлиги қайд этилди.

Санитария талабларига мувофиқлик далолатномаси ва кўриқдан ўтадиган ходимлар рўйхатини электрон тизим орқали шакллантириш имконияти ҳам кўрсатиб ўтилди. Бу орқали йилга 1 миллиард сўм бюджет маблағини тежаб, ходимларнинг 24 минг иш соатини амалий фаолиятга йўналтириш мумкин бўлади.

Ҳисоб-китобларга кўра, маъмурий юкни қисқартириш иқтисодийга йилга 1,5 миллиард доллар тўғриван тўғри самара беради. Тартибга солиш сифатини яхшилаш қўшимча 800 миллион доллар хорижий инвестиция жалб этишга хизмат қилади. Давлат ва бизнес ўртасидаги жараёнларни соддалаштириш ҳисобига меҳнат унумдорлиги йилга 750 миллион долларга ошади. Умумий ҳисобда

бюрократияни қисқартириш чоралари 2026-2030 йилларда иқтисодийни қўшимча 13 миллиард долларга ўстириш имконини беради.

Тақдиротда reestr.gov.uz ягона платформаси орқали давлат функциялари, мажбурий талаблар ва давлат хизматлари реестрларини юритиш, идоралар фаолиятини "Business Gateway" асосида баҳолаш, сунъий интеллект орқали таҳлил қилиш ва "Бизнес калькулятор" орқали тадбиркорлар харажати ҳисоблаш тизимини жорий этиш таклиф қилинди.

Президентимиз давлат хизматлари инсон қадрли, тадбиркорлар учун қўлай муҳит ва давлат бошқаруви самарадорлиги билан бевосита боғлиқ эканини таъкидлади. Ҳар бир вазирилик ва идора ўз функцияларини қайта кўриб чиқиши, ортқича талаб ва хўжаликнинг бекор қилиниши, хизматларни рақамлаштиришни жадаллаштириши зарурлиги қайд этилди.

Мутасаддиларга бюрократияни баргараф этиш бўйича қарор лойиҳасини киритиш, унда ҳар бир вазирилик ва идора қисмида рақамлаштириш, давлат хизматларини соддалаштириш ҳамда хусусий сектор улушини ошириш бўйича аниқ режаларни белгилаш топширилди.

Шунингдек, соҳада илғор тажрибаларни омдалаштириш ва барча идоралар фаолиятида "ноль бюрократия" тамойилини изчил жорий қилиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА

ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИ ҲАМДА ЧОРВАЧИЛИК ЙЎНАЛИШИДА ИМКОНИЯТЛАР КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Шу муносабат билан озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ҳолатини чуқур ислоҳ қилиш ва халқор талабларга мос ягона марказлашган тизим яратилиши белгиланди.

Унга мувофиқ, "даладан дастурхонгача" тамойили асосида барча назорат жараёнларини қамраб оладиган Озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги кўмитаси ташкил этилади. У ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигини, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитасининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш йўналишини негизда шакллантирилади.

Янги тизимда эскирган, тадбиркор фаолиятига тўсиқ бўлаётган текширувлардан воз кечилади. Озиқ-овқат маҳсулотларини мажбурий сертификатлаш бекор қилиниб, унинг ўрнига хавфга асосланган назорат ва текширувни қамраб жорий этилади.

Бугунги кунда республикадаги 80 мингта объектдан факат 1,6 мингтада, яъни 2 фоизда бундай тартиб қўлланилмоқда. Эндиликда хавфли маҳсулотлар тўғрисида тезкор хабар бериш ва уларни қайтариб олиш бўйича электрон тизим яратилади.

2029 йил 1 январдан бошлаб мева-сабзавот экспорти факат агрологистика марказлари орқали амалга оширилади. Экспорт салоҳияти юқори йирик озиқ-овқат корхоналарини халқор хатарлар таҳлили стандарти ва Алиментариус кодекси талабларига ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқилади. Ушбу кўрсаткич 2028 йилгача 20 фоизга, 2030 йилгача 60 фоизга, 2032 йилгача эса 100 фоизга етказилади.

Мева-сабзавотчиликка ихтисослашган 20 та туманда ички фитосанитария сертификатини расмийлаштиришга кўмаклашувчи жамоатчи инспекторлар фаолияти йўлга қўйилади. Бундан буён мева-сабзавот экспорти статистикаси маҳсулот қайси ҳудудда етиштирилган бўлса, ўша ҳудудда ҳисобга олинади.

2027 йилдан бошлаб лаборатория текшируви, ҳайвонларни эмлаш, дезинфекция ва идентификация қилиш каби 6 та давлат функцияси хусусий секторга берилади. Вилоят ҳокимларига йил якунигача ушбу хизматлар бўйича камида 2 тадан хусусий лаборатория ва ветеринария клиникасини ташкил этиш топширилади.

Ҳар бир маҳсулот бўйича онлайн кузатиш тизими йўлга қўйилади. Фермер ва деҳқонлар учун "Агро қўмакчи" мобил иловасида электрон "Дала дафтари" тизими жорий этилади. Мазкур тизим орқали сунъий интеллект зараркунамалар тарқалишини олдиндан башорат қилиб, деҳқонларга зарур тавсиялар беради.

Фаол ва ҳалол ишлаётган фермерлар рейтингини юритилади ва уларга қўшимча имтиёзлар берилади. 2027 йил 1 мартгача озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича ягона автоматлашган ахборот платформаси ишга туширилади. У чегарадаги "Ягона дарча" тизими билан интеграция қилиниб, экспортчилар ортқича бюрократик жараёнлардан озод этилади.

Янги тизим орқали импортда назорат вақти 9 кундан 2 кунга, экспортда эса 3 кундан 1 кунгача қисқартирилиши белгиланди. Бунинг ҳисобига тадбиркорларнинг маҳсулотни оморда сақлаш харажатлари 70 миллиард сўмга тежалди.

Йиғилишда чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

ЎЗА



Бошланиши 1-бетда

Қилинган меҳнат аллақачон натижа бера бошлаган. Энг муҳим ютуқлар орасида камбағаллик даражасининг 8,9 фоиздан 5,8 фоизга пасайиши, шунингдек, сўнгги ўн йил ичида олий таълим билан қамровнинг қарийб беш баравар — 9 фоиздан 42 фоизга ўсиши бор.

UNFPA нуқтаи назаридан асосий хулоса шундан иборатки, демографик дивиденд ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Унга эришиш учун ёшларнинг таълими, кўникмалари, саломатлиги ва бандлигига барқарор инвестициялар зарур.

Репродуктив саломатлик соҳасида мустақил равишда асосли қарорлар қабул қилиш имконияти таълимни давом эттириш, иқтисодий фаоллик ва ўзини намоён қилиш учун кенгроқ имкониятлар билан бевосита боғлиқ. Бундай имкониятларни кенгайтириш нафақат инсон ҳуқуқлари масаласи, балки инклюзив иқтисодий ўсиш ва барқарор ривожланишнинг ҳам энг муҳим омилдир.

Яна бир асосий омил — қарор қабул қилиш учун сифатли маълумотлар мавжудлиги. Айнан маълумотлар демографик салоҳиятни ривожланишнинг реал натижаларига айлантириш учун асос бўлади. 2026 йилда мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбири муваффақиятли ўтказилди. Ўзбекистон учун бу тарихий воқеа бўлди.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирларидан кейин маълумотлар қайта ишланган, таҳлил қилингандан сўнг таълим тизими, соғлиқни сақлаш, иш ўринлари, уй-жой, инфратузилма ва бошқа йўналишларда аниқ рақамлар чиқди. Бу рақамлар ижтимоий ҳимоя бўйича айнан одамлар яшайдиган, эҳтиёжлар энг юқори бўлган ва келажакдаги имкониятлар шаклландирган жойларга кенг қўламда сармоя киритишга ёрдам беради.

Ўзбекистон тажрибаси катта умид уйғотади. Мамлакат демографик жараёнларни барқарор ривожланиш омилига айлантириш учун ҳам сезиларли демографик салоҳиятга, ҳам ислохотларнинг зарур динамикасига эга. Бугунги кунда ҳар бир ёш, айниқса, хотин-қизларнинг ўқини, ишлаши, ҳаётини қарорлар қабул қилиши бора-сида мақсадли ишлар бажариломоқда. Энг муҳими, мамлакат келажигини шакллантиришда ёшлар фаол ва тўлақонли иштирок этмоқда.

— Сўнгги йилларда UNFPA кўмагида Ўзбекистонда оналик ва репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш соҳасида кенг қўламли лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Сизнингча, бугунги кунда Ўзбекистондаги қандай ёндашувлар ва инновациялар бундай хизматлар сифатини, айниқса, ҳудудлардаги аёллар учун энг самарали тарзда ошириш имконини беради?

— Ўзбекистон оналик ва репродуктив саломатликни муҳофаза қилишни асосий устувор йўналишлардан бирига айлантирди ва натижалар аллақачон кўзга ташланмоқда. Оналар ўлими 2010 йилдаги ҳар 100 миң тирик тутилган чақалоққа тўғри келадиган 21 ҳолатдан 2025 йилда 10,9 ҳолатгача камайти. Бугунги кунда деярли барча туғуруқлар малакали тиббиёт ходимлари иштирокида кечмоқда. Бу, айниқса, ҳар йили бир миллионга яқин бола туғиладиган мамлакат учун жуда муҳим.

Ўзбекистон алоҳида чора-тадбирларга эмас, балки миллий стандартлар ва тиббиёт кадрларини тайёрлашдан торттиб, ускуналар билан жиҳозлаш, рақамлаштириш, оилани режалаштириш ва онкологик касалликлар скринингигача бўлган бутун тизимни мустаҳкамлашга эътибор қаратмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирилик билан биргаликда UNFPA оналикни муҳофаза қилиш

ва перинатал ёрдам тизимини модернизациялаш, жумладан, клиник стандартларни янгиллаш, шопилинч акушерлик ёрдамини такомиллаштириш ва мамлакат туғуруқ муассасасига ҳаётини зарур ускуналарни етказиб беришни қўллаб-қувватлади. Жамгарма дастурлари доирасида 18 миңдан зиёд тиббиёт ходимининг малакаси оширилди. Мамлакат бўйлаб 40 миңдан ортиқ мутахассис учун янгиланган акушерлик ва перинатал протоколлар жорий этилди.

Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш, хусусан, Миллий рақамли соғлиқни сақлаш платформаси муҳим аҳамият касб этади. UNFPA қўллаб-қувватлаётган ислохотлар, жумладан, дори-дармон захираларини бошқаришнинг янги тизимлари эҳтиёжларни аввалдан аниқлашга ёрдам беради. Бу эса дори-дармон етишмовчилигининг олдини олиш ва айниқса, аёллар учун зарур тиббий маҳсулотларни вақтида етказиб бериш имконини яратди. Шунингдек, телемедицина хизматлари орқали олис ва бориш қийин бўлган ҳудудларда яшовчи аёллар учун туғуруқдан олдинги кўриқлар ва она саломатлиги бўйича маслаҳатларини уйига яқинлаштириш мумкин.

Оилани режалаштириш энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. 2023 йилдан буён UNFPA Ўзбекистон ҳукумати билан ҳамкорлик доирасида бутун мамлакат бўйлаб замонавий контрацепция воситаларидан фойдаланишни кенгайтиришга кўмаклашмоқда. Бу дегани, тобора кўпроқ аёллар ва оилалар ўз саломатлигини ва келажакдаги ҳақида онли қарорлар қабул қилиш имконига эга бўлмоқда.

2024 йилда бачадон бўйни ва кўкрак бези саратонига қарши курашни кучайтириш бўйича қабул қилинган муҳим қарор алоҳида эътиборга лойиқ. Бу аёллар репродуктив саломатлигини давлат сиёсати даражасига кўтаришда сезиларли ютуқ бўлди.

Ҳозирги кунда бирламчи тиббий ёрдам тизимида профилактика, эрта аниқлаш ва скрининг хизматлари кенгайтирилмоқда.

“ UNFPA Ўзбекистон ҳукумати ва ҳамкорлари билан биргаликда ушбу муҳим форумнинг ҳаммуаллифи эканидан фахрланади ва мамлакатнинг бундай улкан ва келажакка йўналтирилган минтақавий ва халқор мулоқотни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

Бу эса кўплаб касалликларни вақтида аниқлаш ва даволаш имконини оширмоқда. Ушбу чоралар инсон ҳаётини сақлаб қолиш, аёллар саломатлигини яхшилаш ҳамда мамлакатнинг барча ҳудудларида сифатли тиббий хизматдан тенг фойдаланишни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон тажрибаси кўрсатадики, сиёсий иродан инсонлар, технологиялар, маълумот, билим ва ҳамкорликка тизимли инвестициялар билан қўллаб-қувватлангандагина ҳақиқий тараққийга эришиш мумкин.

Жамгармамиз ҳар бир аёл, қаерда яшайдиган қатъи назар, нафақат оналик ва репродуктив саломатлик соҳасида сифатли хизматлардан фойдаланиши, балки ўз саломатлиги бўйича мустақил қарор қабул қилиш имконига эга бўлиши учун ушбу саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватладиган фахрланади. UNFPA учун аёллар ва қизларнинг ҳуқуқ ҳамда танлов эркинлиги ҳар доим муҳим бўлиб келган.

— Ўзбекистонда гендер тенглик ва хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашни масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада эришилган натижаларни қандай баҳолайсиз?

— Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш ва хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши курашни тизимини мустаҳкамлашда сезиларли ютуқларга эришди. Бу масалаларга бугунги кунда нафақат ижтимоий муаммо, балки барқарор ривожланиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимоя ва миллий тараққийнинг асосий элементини сифатда қаралиши, айниқса, долзарбдир.

Энг муҳим босқичлардан бири оиладаги зўравонликнинг жиний жавобгарликка тортиш ҳамда жабрланувчиларни ҳимоялашни кучайтиришга қаратилган қонун ҳужжатлари қабул қилиниши бўлди. Бу ислохотлар босқичча-босқич амалиётга кириб бориб, самарали механизмлар ва хизматлар орқали ҳаётга тағбиқ этилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги раҳбарлигида

ижтимоий, ҳуқуқий, психологик, тиббий ва ҳимоя хизматларини бирлаштирган, мувофиқлаштирилган ҳамда жабрланувчилар манфаатларига йўналтирилган тизим шакллантирилмоқда.

UNFPA мамлакатда қайта йўналтириш механизмларини такомиллаштириш, жавоб беришнинг стандарт тартиб-қоидаларини жорий этиш, идоралараро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда олдинги сафда ишлаётган мутахассислар малакасини ошириш бўйича саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ҳамда эътибор ортиб бораётгани, хусусан, ногиронлиги бўлган аёллар ва қизларнинг ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш хизматларидан тўсиқсиз фойдаланишини таъминлаш йўналишидаги ишлар ҳам олқишланади.

Яна бир муҳим йўналиш — профилактика. Ўзбекистонда зўравонликка барҳам бериш учун зарурлиги ижтимоий меъёрлар ва стереотипларни ўзгартириш заруриги тобора кенгроқ аниқлаб етилмоқда.

Биргаликдаги ишлар доирасида маҳаллалар, ёшлар, эркаклар ва ўғил болалар, диний етакчилар, парламент аъзолари ҳамда фуқаролик жамияти институтларини жалб этиш янада кучайтирилмоқда. Бу жуда муҳим, чунки аёлларга нисбатан зўравонлик факат индивидуал хатти-ҳаракатлар билан эмас, балки ҳокимиятнинг тенгсиз муносабатлари ва камситувчи ижтимоий қарашлар билан ҳам боғлиқ бўлиб, уларни биргаликда баргараф этиш зарур.

Албатта, ҳали қилиниши керак бўлган ишлар кўп. Айниқса, молиялаштириш, амалий ижро, хизматлар сифати ва узоқ мuddатли профилактика соҳаларида. Бироқ йўналиш аниқ: Ўзбекистон ҳар бир аёл ва қиз зўравонлик ва камситишсиз яшайдиган, тенг имкониятларга эга бўладиган ҳамда ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқара оладиган жамиятнинг мустаҳкам асосларини яратмоқда.

— Бухорода иккинчи Осиё хотин-қизлари форумида иштирок этасиз. Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини илгари суришда ушбу форумнинг аҳамиятини қандай баҳолайсиз ва бу борада қанақа амалий натижаларга эришиш мумкин?

— Бухорода ўтказилаётган форум шунчаки минтақавий тадбир эмас. Бу келажакдаги аёллар етакчилигини шакллантириш, Осиё ва ундан ташқарида аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш учун муҳим халқор майдондир.

Форум аста-секин аёллар ҳуқуқлари ва инклюзив ривожланиш масалалари бўйича доимий ҳамкорлик платформасига айланиб бораётгани бу соҳадаги тараққийни жадаллаштириш учун тажриба ва ғоялар алмашиш муҳимлигини кўрсатади.

Тадбир ғоят муҳим даврда ўтмоқда. Бугунги кунда Осиё мамлакатлари кенг қўламли демографик, иқтисодий, технологик ва ижтимоий ўзгаришларга дуч келмоқда. Бундай шароитда аёллар ва қизларга сармоя киритиш нафақат тўғри қарор, балки барқарор ривожланиш, жамиятлар барқарорлиги ва тинчликка энг самарали сармоялардан биридир.

Мен форумни мулоқот аниқ ҳаракатларга айлана оладиган макон деб биламан. У сиёсий етакчилар, парламент аъзолари, экспертлар, халқоро ҳамкорлар, фуқаролик жамияти вакиллари, ёшлар ва етакчи аёллар қарорлар алмашиши, ҳамкорликни шакллантириш ва амалий мажбуриятларни илгари суриш учун бирлаштиради.

UNFPA учун ушбу тадбир алоҳида аҳамиятга эга. Чунки биз демографик жараёнлар, соғлиқни сақлаш ва гендер тенглик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалаларида глобал тажрибага эгамиз. Биз мамлакатларга маълумотларга асосланган сиёсатни ишлаб чиқишда ва аёллар ҳамда ёшлар имкониятларини кенгайтирувчи тизимларни мустаҳкамлашда ёрдам берамиз. Форумда биз ушбу устувор йўналишларни одамлар

ҳаётини яхшилайдиган амалий ечимларга айлантириш бўйича муҳокамаларда иштирок этмоқдамиз.

Хотин-қизлар ҳамон минтақада ҳам, бутун дунёда ҳам инсон капиталининг амалга оширилмаган энг йирик манбаи бўлиб қолмоқда. Шу нуқтан назардан, гендер тенглик шунчаки мақсад эмас, балки ўсиш, барқарорлик ва умумий фаровонлик учун имконият очадиган демографик дивиденд ҳисобланади.

Хотин-қизларга сармоя киритиш ҳар қандай давлат қилиши керак бўлган энг оқилона сармоядир. Аёллар ҳуқуқлари ва танлов ривожланиш сиёсатининг марказий элементига айланса, жамиятлар янада барқарор ва фаровон бўлади.

Мен форумнинг янги долзарб масалаларга эътибор қаратаётганини олқишлайман. Жумладан, аёлларнинг инновациялар, технологиялар ва сунъий интеллект соҳасидаги иштироки, шу билан бирга, рақамли технологиялар орқали аёллар ва қизларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари ортиб бораётгани муҳим мавзу сифатида кўтарилмоқда. Жамиятларимиз тобора рақамлашиб бораётган бир пайтда аёллар ва қизларнинг интернетдаги ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифалардан бири бўлиши керак.

Умид қиламанки, тадбирнинг амалий натижалари минтақавий шерикликни мустаҳкамлаш, янги сиёсий мажбуриятларни қабул қилиш, аёллар ва қизларнинг инновацияларни кўпайтириш, аниқ қўшма ташаббусларни ишга туширишдан иборат бўлади.

Ишончим комилки, форум аяқлари бўйича қабул қилинадиган Бухоро декларацияси гендер тенглик факат тор соҳавий масала эмас, балки миллий тараққий, инсон капитали ва жамият барқарорлигининг муҳим стратегик омили эканини яққол кўрсатади.

UNFPA Ўзбекистон ҳукумати ва ҳамкорлари билан биргаликда ушбу муҳим форумнинг ҳаммуаллифи эканидан фахрланади ва мамлакатнинг бундай улкан ва келажакка йўналтирилган минтақавий ва халқор мулоқотни яратиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

— Ўзбекистонга таширфингиздан қандай натижалар кутиясиз ва келажакда ҳамкорликнинг яна қанақа йўналишларини ривожлантириш мумкин?

— Мамлакатингизга таширфингиз билан UNFPA ўртасидаги ҳамкорлик нафақат кўламини, балки стратегик мақсадлар даражасида ҳам жадал ривожланаётган муҳим бир даврга тўғри келмоқда. Мен Ўзбекистондаги ислохотларни қўллаб-қувватлайман ва ҳамкорлигимизни янада мустаҳкамлашга ҳарқат қиламан.

UNFPA Ўзбекистонда 1993 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда ва бу йил ўзининг олтинчи мамлакат дастурини ишга туширди. Ушбу дастур юқори мақсадлари, инсон капиталига йўналтирилган инвестициялари ва мамлакатнинг миллий устувор йўналишлари билан тўлиқ ажралиб туради.

Менинг асосий умидим Ўзбекистондаги ислохотлар одамлар, айниқса, аёллар, ёшлар, оилалар ва маҳаллий ҳамжамиятлар ҳаётини қандай яхшилаётганини бевосита кузатишдир. Шу билан бирга, келгуси йилларда UNFPA мамлакат устувор йўналишларини қандай самарали қўллаб-қувватлаш мумкинлигини яхшироқ аниқлаш учун давлат идоралари, парламент аъзолари, фуқаролик жамияти вакиллари, ёшлар ҳамда халқоро ҳамкорлар билан учрашишни интизорлик билан кутаман.

Ўзбекистон ҳозир тараққийнинг муҳим босқичига кирмоқда. Мамлакат инсон капиталига сармоя киритмоқда, ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамламоқда, аёллар имкониятларини кенгайтирмоқда, соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилмоқда, аҳолини рўйхатга олишга онд тарихий жараёни яқунламоқда ва демографик барқарорлик масалаларини давлат сиёсатининг марказига қўймоқда. Шу соҳаларда UNFPAнинг глобал тажрибаси маълумотларга асосланган сиёсат, инклюзив ривожланиш ва узоқ мuddатли барқарор режалаштиришни қўллаб-қувватлаш орқали сезиларли фойда келтириши мумкин.

Таширфининг асосий ғояси аниқ: UNFPA Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкори сифатида фахрланади. Биз ислохотларни қўллаб-қувватлаш, инсон капиталига сармоя киритиш ва барча учун соғлом, тенг ҳуқуқли ҳамда барқарор келажакни барпо этиш йўлида ҳамкорликни янада чуқурлаштиришга интилаемиз.

“Дунё” АА

Жорий йил 14 май куни Тошкент шаҳрида Хитой, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги эксперт, илмий, давлат ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида “Хитой — Марказий Осиё” инсон ҳуқуқларини ривожлантириш бўйича тўртинчи форуми бўлиб ўтди. Ушбу анжуман Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлаш учун бутун мамлакатимизда тайёргарлик кўрилатган қизғин даврга тўғри келганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор.



Халқаро форум

ЮҚОРИ СИФАТЛИ РИВОЖЛАНИШ ОРҚАЛИ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ СОҲАСИДАГИ ТАРАҚҚИЁТНИ БИРГАЛИКДА ИЛГАРИ СУРИШ

“Хитой — Марказий Осиё” инсон ҳуқуқларини ривожлантириш бўйича тўртинчи форуми ҳақида мулоҳазалар



Акмал САИДОВ, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори, академик

томондан, Хитой ўзининг модернизациялаштириш услубини тобора жадаллаштираётгани, бошқа томондан, мамлакатимиз “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини барча соҳага изчил татбиқ қилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Халқаро ҳамкорлигимиз самарасига бир мисол: БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида Ўзбекистон ва Хитой томонидан Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунини белгилаш бўйича таклиф қилинган резолюция бир овоздан маъқулланди. Бинобарин, 10 июнь — Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунини деб эълон қилинди.

Ушбу резолюция халқаро ҳамжамият томонидан қизғин кутиб олинди ва кенг қўллаб-қувватланди. Зеро, Ўзбекистон Хитойнинг Глобал цивилизация ташаббусини қатъий қўллаб-қувватлайди. Эътиборлиси, Ўзбекистон Хитойнинг таклифига биноан “Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунини” резолюциясини ишлаб чиқишда асосий гуруҳ аъзоси сифатида фаол иштирок этди ва резолюциянинг қабул қилинишига салмоқли ҳисса қўшди.

Ўзбекистон ягона Хитой принципини маъқуллайди. Биз биргаликда уч ёвуз куч — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши қатъий курашмоқдамиз. Мамлакатларимиз цивилизациялараро мулоқотни ривожлантириш борасида ҳам жаҳон аҳлига муносиб намуна бўлмоқда.

Тинчлик ва тотувликни мустақамлаш йўлида

“Хитой — Марказий Осиё” инсон ҳуқуқларини ривожлантириш бўйича мавзусига қайтамыз. Ушбу форум жорий йилда тўртинчи марта ўтказилмоқда. Бу, бир томондан, форумнинг аллақачон анъанавий аҳамият касб этганини кўрсатса, иккинчи томондан, Хитой ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари учун бундай ҳамкорлик формати зарурлигини амалда тасдиқлайди.

томондан, форумнинг аллақачон анъанавий аҳамият касб этганини кўрсатса, иккинчи томондан, Хитой ва Марказий Осиё минтақаси давлатлари учун бундай ҳамкорлик формати зарурлигини амалда тасдиқлайди.

Форумнинг мухтасар тарихига назар солайлик. Хусусан, Биринчи “Хитой — Марказий Осиё” инсон ҳуқуқларини ривожлантириш форуми 2023 йил 12 сентябрда Пекин шаҳрида муваффақиятли ўтказилди, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг янги bosқичини бошлаб берганди.

Иккинчи форум 2024 йилда қўшни Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтди. Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари

юзасидан халқаро мулоқотни йўлга қўйишга қаратилган.

Бинобарин, ҳар бир инсоннинг ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини таъминлаш бутун инсониятнинг умумий мақсадидир. Хитой ва Марказий Осиёнинг бешта давлати ривожланаётган мамлакатлар сифатида тараққиётга биргаликда кўмаклашиш ва инсон ҳуқуқларини илгари суриш масалаларида кенг муштарак қарашларга эга.

Бу ҳақда фикр юритганда, Хитой ва Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида инсон ҳуқуқлари соҳасида самарали ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланаётганини таъкидлаш лозим. Табиийки, бунда ташкил топганига 77 йил бўлаётган Хитой Халқ Республикасининг шу тарихан қисқа даврда ўз тараққиётида мисли кўрилмаган даражада улкан ютуқларга эришгани Ўзбекистон ва минтақамиздаги қўшни давлатлар учун гоёт муҳим.

Барқарорлик, тараққиёт, юксалиш ва ёруғ келажак сари

Хитой кейинги йилларда қашшоқ ва қолоқ мамлакатдан жаҳон иқтисодий ўсишини таъминлайдиган беқиёс куч-қудрат манбаига айланди. Бунда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўлида қўлга киритган оламшумул натижалари катта аҳамият касб этди ва бутун айти самарадор омиллар бутун дунёнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этмоқда.

Ушбу давлат дунёдаги беқарорликларнинг олдин олишга қаратилган қўллаб-қувватлаш ташаббусларини илгари суриб келмоқда. Барқарорликка оид бу гоғлар мамлакатда асрий ислохотлар синовидан муваффақиятли ўтгани билан аҳамиятлидир.

Хитой ҳукумати миллий модернизацияни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида асосий эътиборни халқ фаровонлигини таъминлашга қаратмоқда. Яъни ислохот ва тараққиёт, аввало, ҳар бир хитойликнинг муносиб яшашига хизмат қилсин деган ёндашувга таянишмоқда. Худди шу концепция Хитойда камбағалликка барҳам беришда ҳал қилувчи ўрин тутгани эътиборга сазовор.

Натижада Хитой халқи 40 йил ичда қашшоқлик ва йўқчилик домдан кутулиб, энди муносиб ва барқарор турмуш шарафига ҳаёт кечирмоқда. БМТ маълумотларига кўра, ўтган даврда 700 миллиондан ортиқ хитойлик камбағаллик ҳолатидан чиқишга муваффақ бўлган.

Инновацияларга таянган давлат сифатида Хитой иқтисодий тараққиёт суръатини мунтазам ошириб бормоқда. Мамлакат ҳатто “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш соҳасида ҳам муайян натижаларга эришгани туфайли аллақачон экологик тоза маҳсулотларнинг жаҳондаги йирик бозорига айлиниб улгурди.

Бошқача айтганда, янги Хитойнинг 77 йиллик ривожланиш йўли барқарорлик,

тараққиёт, юксалиш ва ёруғ келажакка қатъий ишончининг ёрқин намунасидир. Тараққиётнинг хитойча модели социализм ва бозор иқтисодиёти қонуниятларини ўзида омухталаштирган бўлиб, ўз навбатида, бундай ноёб усул Хитойнинг иқтисодий жиҳатдан энг қудратли давлат макomini эгаллашини таъминламоқда.

Хитой эришган улғувор ютуқлар ҳақида сўз борганда, фақат иқтисодий самаралар тафсилоти билан чекланмай, ижтимоий сиёсат, инфратузилмалар ва технологиялар соҳаларида қўлга киритилган ангидан-янги марралар хусусида ҳам фикр юритиш лозим деб ўйлаймиз.

Бу ўринда, айниқса, Хитой аҳолисининг ниҳоятда кўплиги ва глобал муаммоларнинг ҳалокатли таъсирига қарамай, миллий иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва барқарорликни сақлаб туришдек иккита ноёб муваффақиятга эришилгани ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Бугун Хитой жаҳон иқтисодиётининг юрагидир. Сайёрамиз ҳаётининг пандемиядан кейинги оғир ва мураккаб шароитларида ҳам мамлакат иқтисодиёти барқарор ривожланаётгани бунини амалда тасдиқлаб берди.

Ҳозир эса ўз иқтисодиётининг барқарорлиги хусусиати билан жаҳон иқтисодиётининг ривожланиши учун муносиб ҳисса қўшмоқда. Бинобарин, бир томондан, мамлакат жаҳон бозорига тобора қўллаб-қувватлаш ҳам муносиб ва барқарор турмуш шарафига ҳаёт кечирмоқда. БМТ маълумотларига кўра, ўтган даврда 700 миллиондан ортиқ хитойлик камбағаллик ҳолатидан чиқишга муваффақ бўлган.

Шу омилларнинг ўзи ҳам янги Ўзбекистоннинг янги Хитой билан ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш гоёт манфаатли эканидан далолат беради, назаримизда. Юртларимиз ва халқларимиз ўртасида неча минг йиллик тарихий ҳамкорлик алоқалари мавжудлиги эса, албатта, алоҳида маънога эга.

Шунингдек, Хитой томони 2025 йилда Самарқандда иккинчи Ўзбекистон — Хитой ҳудудлараро форуми ўтказилишини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Самарқанд форумида Хитой ва минтақа давлатларидан вакиллар ҳам иштирок этгани бизга мамуният бағишлади.

Хитойликларда бундай мақол бор: “Меҳнат-машаққат чекмасанг, тупроқ ичидан олтинни ажратиб олишинг мушкул”. Ўзбек халқининг мана бу мақоллари шу мантиққа ўта уйғун, яъни “Тоққа қиқмасанг, дўлана қайда?” ёки “Текинга осмондан чапкак ёмайди”.

Минтақа давлатлари ўртасида инсон ҳуқуқлари бўйича ҳамкорлик

Бугун Марказий Осиё тарихининг четиди эмас, у ўз стратегик кун тартибинини шакллантираётган, жадал ривожланаётган минтақага айланмоқда. Сиёсий ирода, юқори даражадаги ўзаро ишонч ва қўшма иқтисодий ташаббуслар минтақада барқарор ривожланиш учун янги имкониятлар очди.

Минтақа халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик, қуда-андачилик ришталари боғлаб туради. Халқларимиз ҳаммиса бир-бирига елкадош ва ҳамжиҳат бўлиб яшаб келган. Президентимиз таъбири билан айтганда, бизни ягона тарих, ягона дин, умумий маданият ва анъаналар бириктиради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат урчашуварини ўтказиш йўлга қўйилди. Бугун ушбу учрашувлар минтақада ўзаро ҳамжиҳатлик ва хурмат, яқин қўшничилик ва стратегик шериклик руҳидаги мулоқот янги сиёсий муҳитни мустаҳкамлаш, муҳим ҳаётий масалаларни ҳал қилиш ва кўп қиррали ҳамкорлигимизни сифат жиҳатидан янги мазмун билан тўлдирishi борасида самарали платформага айланди.

Минтақамиз давлатлари ўртасидаги маданий алоқаларнинг фаоллашиши натижасида халқларимиз янада яқинлашмоқда. Минтақа доирасидаги сиёсий мулоқотлар ва парламентларо алмашувлар доимий тус олмоқда.

Марказий Осиё етакчилари томонидан, жумладан, қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ҳамда ҳимоя қилиш барча учун бирдек муҳим фундаментал қадрият экани мунтазам таъкидлаб келинмоқда. Бу ўринда, албатта, фикрни ифода этиш эркинлиги ва жамоат бирлашмаларига уюштириш ҳуқуқини таъминлаш, фуқаролик жамияти ва мустақил оммавий ахборот воситалари учун соғлом муҳит яратиш, ҳуқуқ ҳимоячиларини муҳофаза қилиш, аёллар, болалар ва меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини хурмат қилиш ўзаро ҳамкорлик муносабатларимизнинг туб негизини ташкил қилиши ҳақида сўз бормоқда.

Энг асосийси, халқаро сиёсий лўғатда минтақавий тараққиётни таъминлашга хизмат қилувчи ўзига хос модели акс эттирадиган “Марказий Осиё руҳи” атамаси пайдо бўлди. Бугун биз глобал ва минтақавий сиёсат кун тартибидидаги қўллаб-қувватлаш масалалар бўйича ягона позицияда туриб ҳаракат қилмоқдамиз.

Натижада қисқа муддатда дунёда минтақамизга нисбатан ишонч ва ҳамкорликка интилиш кучайди. “Марказий Осиё +” форматида 10 дан ортиқ ҳамкорлик мулоқоти йўлга қўйилгани бунини тасдиқлайди.

Минтақа мамлакатларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзаро ҳамкорлик борасидида тажрибаси ҳам эътиборга лойиқ. Аввало, Марказий Осиё мамлакатлари Конституциясида “Давлат инсон ҳуқуқларини хурмат қилади ва таъминлайди” деган тамойил аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Қозоғистонда 2023 йилда мамлакат Президенти томонидан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари ва қонун устуворлиги соҳасидаги унчи ҳаракатлар режаси амалда оширилмоқда. Қирғизистон ҳукумати 2022-2024 йиллар учун Инсон ҳуқуқлари бўйича ҳаракатлар режасини қабул қилди ва амалда оширди. Тожикистон ҳукумати 2023 йилда Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегияни қабул қилди. Туркменистон Президенти томонидан 2021-2025 йилларга мўлжалланган Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий ҳаракатлар режаси тасдиқланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси 2020 йилда қабул қилинган бу соҳадаги илк ҳужжатдир. Жорий йилда давлат дастури доирасида бу борадаги иккинчи дастурий ҳужжат — “Инсон ҳуқуқлари — 2030” стратегияси ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги минтақавий ҳамкорлигимиз даражаси, шубҳасиз, Марказий Осиё минтақаси халқаро муносабатларининг мустақил субъекти макомига ўзини намоеён этишга дадил киришгани амалда исботланди. Бинобарин, XXI аснинг унчинчи ўн йиллигида Марказий Осиё халқаро ҳаётнинг мустақил субъекти сифатида қайта тикланиши ўзида муҳим жараёндаги ҳамкорликнинг асосий устувор йўналишлари кўриб чиқилди. Ривожланиш ҳуқуқини рўёбга чиқариш мақсадида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли фаровонлигини яхшилаш бўйича лойиҳаларни амалда ошириш, экологий муҳофаза қилиш, “яшил” ривожланиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқлари ривожига кўмаклашувчи рақамли интеллектуал технологияларни илгари суриш каби соҳалардаги ҳамкорлик истиқболлари кенг муҳокама қилинади.

Янада муҳими, “Хитой — Марказий Осиё” инсон ҳуқуқларини ривожлантириш форумининг “Тошкент ташаббуси” деб номланган якуний ҳужжати қабул қилиниши кутилмоқда. Ушбу ҳужжатда ўз аксини топадиган ташаббуслар Хитой ва минтақамиз давлатларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорлик муносабатларини янги bosқичга кўтариши шубҳасиз.



Ислохотлар амалда

СУВ ХЎЖАЛИГИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ДАВРИ

Сувни тежаш ҳар доимгидан ҳам кўра долзарб ва муҳим вазифа эканига ортиқча таъриф шарт эмас. Зеро, аста-секин кучайиб бораётган сув танқислиги аллақачон глобал муаммолардан бирига айланган улғурди.



Собиржон ИСАЕВ, Фарғона вилояти ҳокимининг илмий маслаҳатчиси, профессор

Ўзбекистонда обиҳаётни тежаш, сув хўжалигини модернизация қилиш ва рақамли технологияларни жорий этиш борасидаги ислохотлар кўлами кундан кунга кенгайиб бормоқда. Айниқса, Президентимизнинг 2026 йил 2 апрелдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги муҳандисларини тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори соҳада инновацион ёндашулар, замонавий инженерлик ечимлари ва рақамли бошқарув тизимларини кенг жорий этишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай янгиланишларни Фарғона вилояти мисолида ҳам кўриши мумкин.

Фарғона мамлакатимизнинг аҳолиси кўп ва қишлоқ хўжалиги ривожланган вилоятларидан. Табиийки, ҳудудда сувга талаб ҳам юқори. Шу омилнинг ўзидек вилоятда сувтежамкор



тизимнинг аҳамияти қанчалик муҳим эканини кўрсатади. Ҳозир Фарғонада сугориландиган экин майдонларига йилга ўртача 3-4 миллиард куб метр сув сарфланади. Вилоят сув ресурсларининг 51 фоизи Норин — Сирдарё тизими ҳисобига, 15 фоизи Қорадарё, 24 фоизи маҳаллий сойлар, 6 фоизи ер ости суви ва 4 фоизи коллектор суви ҳисобига шаклланади. Бироқ суви етказиб бериш жараёнидаги йўқотишлар ҳали тўла баҳрам топгани йўқ. Айрим ҳудудларда бу кўрсаткич 30 фоизгача етади. Шу боис, бутун вилоят сув хўжалигида замонавий техника ва технологиялардан унумли фойдаланилмоқда. Вилоятда 3 та сув омбори, 6214 километр хўжалиқлараро канал, 12 миң 398 километр ички сугориш тармоғи, давлатга тегишли 168 та насос станцияси, 3589 та тик қудуқ ҳамда 15 миң 57 километр коллектор-дренаж тармоқларидан иборат йирик инфратузилма мавжуд. Демак, соҳадаги ислохотлар кўлами кенг бўлиши баробарида муайян мuddат ҳам талаб этади. Бу борада эса аллақачон дастлабки натижалар кўрина бошлади. Хусусан, 2025 йилда 6800 гектар майдонда томчилатиб сугориш, 4300 гектарда ёмғирлатиб сугориш, 10 миң 700 гектарда дискрет ва бошқа замонавий технологиялар жорий этилди. Шунингдек, 18 миң 500 гектар ер лазер бўлабда текисланди.


Энергия тежамкорлиги ҳам сув хўжалигининг муҳим йўналишларидан. Бу борада ҳам ислохотлар самара бера бошлади. Хусусан, ўтган йили айни йўналишда қилинган ишлар тўғрисида 120 киловатт қувватли қуёш панели ўрнатилди. Натижада йил якуни бўйича 4,6 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалди. Бундан ташқари, кластер ва фермер хўжалиқларидаги 943 та насос агрегатига умумий қуввати 28,5 мегаватт бўлган қуёш панеллари ўрнатилди. Шу орқали фермер ва кластерлар энергияга сарфланган 28,5 миллилард сумни иқтисод қилишга эришиди. Содда қилиб айтганда, замонавий фермерлар қуёш нуридан ҳам фойда топмоқда.

Соҳада халқаро ҳамкорлик кўлами ҳам кенгайиб бораётган. Хусусан, Европа тикла-ниш ва тараққиёт банки иштирокида 2026-2028 йилларда 16 та йирик насос станцияси модернизация қилинади. Германиянинг GLOTECH компанияси иштирокида давлат-хусусий шериклик асосида 10 та насос станцияси тўлиқ янгиланади. Бу орқали насос станцияларининг фойдали иш қўлқонини 0,85 гача ошади ва йилга 2,3 миллион киловатт-соат электр энергияси тежалади.

Мамлакатимиздаги ислохотлар илм-фанга асосланиб, давр нафасига муносиб ўтказилмоқда. Жумладан, сув ресурсларини тежаш, ундан мақсадли фойдаланишда замонавий технология, илм-фан ва рақамли бошқарувдан самарали фойдаланиш йўлга қўйилляпти. Мазкур янгиланишлар эса барқарор тараққиёт, аҳоли фаровонлиги кафолати бўлиб хизмат қилади.



Бугун иқтисодий ўсишни оддий формула билан баҳолаш мумкин: ялпи ички махсулот ўсса, демак, тараққиёт бор. Мазкур ёндашув узок йиллар давомида глобал иқтисодий сиёсатнинг асосий мезони бўлиб келди. Бирок бу формуланинг энг катта камчилиги шундаки, у табиатни ҳисобга олмайди. Табиий ресурслар сарфланади, экотизимлар издан чиқади, лекин бу йўқотишлар иқтисодий ҳисоб-китобларда акс этмайди. Натижада парадокс юзага келади: рақамларда ўсиш бор, лекин унинг пойдевори заифлашиб боради.



Фарида ҚҮЛДОШЕВА, Марказий Осиё агрофит-муҳит ва иқлим ўзгариши ўрганиш университети доценти

Аслида, иқтисодиёт ва экология ўртасида рақобат йўқ. Улар бир-бирига қарама-қарши эмас, балки ўзаро боғлиқ. Ер, сув, ҳаво ва биологик ресурслар иқтисодиётнинг ташқи омилли эмас, аксинча асосий капитали. Уларни ҳисобга олмай туриб барқарор ривожланиш ҳақида гапириб назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам нотўғри.

Кейинги ўн йилликларда бу ҳақиқат янада очиқ кўрина бошлади. Иқлим ўзгариши глобал иқтисодиётга тўғридан тўғри таъсир кўрсатмоқда. Сув ресурслар таъминлиги қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни пасайтирмоқда. Ер деградацияси ишлаб чиқариш қийматини оширмоқда. Ҳаво ифлосланиши эса соғлиқни сақлаш харажати кўпайтириб, меҳнат унумдорлигини пасайтирмоқда.

Жаҳонда атмосфера ифлосланиши билан боғлиқ иқтисодий йўқотишлар йилга триллионлаб долларга баҳоланмоқда. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, фақат Ҳаво ифлосланишининг ўзи глобал ЯИМнинг 5-7 фоизига тенг иқтисодий зарар келтирмоқда. Бу эса экологик муаммолар аллақачон иқтисодий хавф даражасига чиққанини англатади.

Мамлакатимиз мисолида бу боғлиқлик янада аниқ намоён бўлади. Иқтисодиётимизнинг катта қисми ресурсларга, айниқса, сувга боғлиқ. Қишлоқ хўжалиги ЯИМнинг тахминан 20-25 фоизини таъминлайди. Бандликка эса улуши 25 фоиздан юқори. Шу билан бирга, сув ресурсларининг 80 фоиздан ортиги айнан шу секторда сарфланади.

Бу рақамлар бир қарашда оддий кўриниши мумкин. Лекин муаммо шундаки, сувдан фойдаланиш самардорлиги паст. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, ирригация тизимида сув йўқотилиши 30-40 фоизгача етади. Демак, иқтисодий ўсишнинг бир қисми самарасиз ресурс сарфи ҳисобига таъминланмоқда.

Энди асосий савол пайдо бўлади: биз ҳақиқий ўсишни кўряптими ёки ресурслар ҳисобидан яратилган вақтинчалик натижани? Аънавий макрониктисодий кўрсаткичлар орқали бу саволга жавоб топиб бўлмайди. Чунки ЯИМни ҳисоблашда табиий капитал камайиши, экотизим хизматлари йўқолиши ва экологик зарарлар инобатга олинмайди. Натижада иқтисодий ўсиш нотўлиқ ҳолатда акс этади.

Шу сабабли сўнгги йилларда халқаро амалиётда "яшил ЯИМ" тушунчаси шаклланди. Унинг моҳияти оддий: иқтисодий ўсишдан табиатга етказилган зарар айриб ташланади. Бирок бу ёндашув оддий формула эмас — у иқтисодий йўқотишнинг тўғри ўлчовини англатади. Чунки бу ҳолатда иқтисодиётга биринчи марта табиатдан мустақил эмас, балки унинг бир қисми сифатида қаралади.

Халқаро тажриба экологик омилларга таяниб ҳисобланган иқтисодий кўрсаткичлар аънавий ЯИМдан сезиларли даражада фарқ қилишини кўрсатмоқда. Айрим мамлакатларда "яшил ЯИМ" аънавий ЯИМдан 10-15 фоизгача паст чиқши қайд этилган. Натижада расмий ўсишнинг муайян қисми табиат ҳисобига таъминланганлигини кўрсатади.

Бу ҳолат, айниқса, аграр секторда яққол кўринади. Сув ресурсларидан интенсив фойдаланиш ерларнинг шураниши ва унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Айрим ҳудудларда ернинг 40-50 фоизгача турли даражада деградация учрагани қайд этилган. Бу эса кўйидаги парадоксни юзага келтиради: бугунги ҳосилдорлик эртанги йўқотишлар ҳисобига таъминланмоқда.

— буларни кейинчалик тиклаш жуда қimmatга тушади ёки умуман мумкин эмас. Шу нуқтан назардан қараганда, экология фақат табиатни муҳофаза қилиш эмас, балки иқтисодий хавфсизлик масаласидир.

Бу ҳақиқатни энг ёқин кўрсатган мисол — Орол инқизи. У фақат экологик фожиа эмас, балки нотўғри қарорларнинг оқибати сифатида бутун бир ҳудуднинг иқтисодий тизимини издан чиқарган ҳолат. Бу тажриба табиатни ҳисобга олган иқтисодий сиёсат охири-оқибати иқтисодий йўқотишга олиб келишидан далolat беради.

Шунинг учун бутун асосий вазифа аниқ: экологик омилларни иқтисодий қарорлар марказига олиб чиқиш. Бу эса шунчаки экологик ислохот эмас, балки иқтисодий тафаккурни ўзгартириш масаласи ҳамдир.

Экологик ва иқтисодий манфаатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш назарий муҳокамалар доирасидан чиқиб, аниқ сиёсат қарорларини талаб қиладиган босқичга ўтди. Ушбу жараёнда энг муҳим савол: қайси соҳаларда ўзгариш биринчи бўлиши керак ва бу ўзгаришлар қандай иқтисодий механизмлар орқали амалга оширилади?



шу уч йўналиш иқтисодий ўсиш ва экологик босим ўртасидаги асосий боғлиқликни белгилайди.

Авалло, сув ресурслари масаласи. Мамлакатимизда сув ресурсларининг тахминан 80-90 фоизи қишлоқ хўжалигига сарфланади. Бироқ ушбу сарфнинг катта қисми самарасиз. Ирригация инфратузилмаси эскирган, очиқ каналлар орқали йўқотишлар ва замонавий технологияларнинг етарли эмаслиги натижада умумий сувнинг камида учдан бир қисми ишлаб чиқаришга етмасдан йўқолади.

Бу рақамлар бир нарсани аниқ кўрсатади: муаммо ресурс етишмаслигида эмас, балки уни бошқариш самардорлигида.

Шу нуқтан назардан, сув сиёсатида учта принципал ўзгариш зарур. Биринчиси, иқтисодий сигналларни ўзгариштириш. Сув амалда бепул ресурс сифатида қабул қилинаётган шартда уни тежашга рағбат йўқ. Агар ресурс нархи нолга яқин бўлса, унинг самардорлиги ҳам нолга яқин бўлади. Шунинг учун босқичма-босқич тариф ислохоти зарур. Албатта, ижтимоий ҳимоя механизмлари билан бирга амалга оширилиши керак.

Иккинчиси, технология трансформацияси. Томчилатиб сугориш ва суви аниқ ҳисобга олиш тизимлари жорий этилмаса, самардорлики ошириш мумкин эмас. Ҳозирги ҳолатда замонавий сугориш технологиялари умумий майдоннинг нисбатан кичик қисмида қўлланди. Бу эса ушбу самардорлик резерви мавжудлигини англатади.

Учинчиси, институционал ўзгаришлар. Сув ресурсларини бошқаришда марказлашган ва маҳаллий даражада ўртасидаги маъсулият тақсимоти аниқ эмас. Натижада "умумий ресурс — шахсий маъсулият йўқ" модели шаклланиб, самардорлик пасаяди.

юқори бўлган иқтисодиётлар қаторига кириди. Яъни ЯИМ бирлигига нисбатан сарфланётган энергия ҳамма юқори. Бу эса икки нарсани англатади: биринчидан, ресурслар ортиқча сарфланмоқда, иккинчидан, махсулот таннархи ошмоқда.

Ҳисоб-китобларга кўра, энергия самардорлигини 20-25 фоиз ошириш орқали санаят харажатларини сезиларли даражада камайтириш мумкин. Бу эса рақобатбардорлиқни кучайтириш билан бирга экологик босимни ҳам пасайтиради.

Бу ерда ҳам трансформация икки босқичда амалга оширилиши керак. Биринчи босқич — самардорлик. Энергия тежамкор технологияларни жорий этиш, иссиқлик йўқотилишини камайтириш, модернизация. Иккинчи босқич — структура. Қайта тикланувчи энергия манбаларига ўтиш. Ўзбекистонда қуёш радиацияси юқори бўлиб, йиллик қуёшлик кунлар сони 300 га яқин. Яъни қуёш энергетикаси учун катта потенциал мавжудлигини англатади.

Бироқ бу ерда оддий хато қилинмаслиги керак: қайта тикланувчи энергия "арзон муқобил" эмас, балки узок мuddатли инвестиция. Агар тариф сиёсати, тармоқ инфратузилмаси ва захира қувватлар ҳисобга олинмаса, бу лойиҳалар



иқтисодий жиҳатдан самарасиз бўлиши мумкин.

Учинчи йўналиш — санаят трансформацияси. Экспортга йўналтирилган санаят ривожланиши муҳим, лекин жараён ресурс сизими юқори бўлган ҳолатда асосида давом этса, узок мuddатли муаммоларни кучайтиради.

Шу нуқтан назардан, санаят сиёсатида икки устуворлик аниқ бўлиши керак: энергия ва ресурс самардорлиги ҳамда қўшилган қийматни ошириш зарурати.

Агар иқтисодиёт хомашё ва энергияга таянган ҳолда ривожланса, у экологик ва иқтисодий жиҳатдан барқарор бўлмайди. Уч йўналишни молиялаштириш эса алоҳида муаммо. Чунки экологик трансформация катта инвестиция талаб қилади. Давлат бюджети эса чекланган.

Шу сабабли "яшил" молия инструментлари муҳим аҳамият касб этади. Жаҳон амалиётда "яшил" облигациялар, ESG стандартлари ва халқаро молия институтлари орқали катта маблаг жалб қилинмоқда.

Экологик барқарорлик танлов эмас, балки иқтисодий хавфсизлик шартидир. Табиатни ҳисобга олган иқтисодиёт муайян мuddат ишлаши мумкин, аммо барқарор бўлолмайди. Шунинг учун асосий савол ўсиш бор-йўқлиги эмас, балки қайси нарх эвазига эканидир. Бугунги шартда мазкур саволга аниқ сиёсий қарорлар орқали жавоб топилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2026 йил 25 мартдаги "Атмосфера хавоси сифатини яхшилашга қаратилган Тоза ҳаво" умумий лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори экологик соҳадаги навабатдаги дастур эмас, балки ёндашув ўзгаришининг белгисиз сифатида баҳоланishi керак. Қарорнинг энг муҳим жиҳати шундаки, экология алоҳида сектор сифатида эмас, балки иқтисодиёт, таълим ва жамият қамраб олинган тизим сифатида кўрилади. Яъни муаммо табиатда эмас, балки инсон капитали, билим ва бошқарув сифатида экани очиқ тан олинмоқда. Ҳужжатда экологик маданиятни шакллантириш, халқаро стандартларга мос кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини қайта қуриш устувор вазифа сифатида белгилангани бежиз эмас.

Бу экологик сиёсатни назорат ва чекловлардан билим ва компетенцияга ўтказишга уринишдир. Масалан, ҳар бир ҳудудда "яшил техникумлар" ташкил этиш ташаббуси катта кўламдаги институционал ўзгариш англатади. Бу экологик билимни марказдан ҳудудларга тарқатиш, уни этила соҳасидан оммавий компетенцияга айлантириш демак.

Худди шу ҳолат таълим ва илм-фан интеграциясида ҳам кузатилиши мумкин. Назария ва амалиёт ўртасидаги нисбатни ўзгариштириш, амалиёт улушини 70-80 фоизгача ошириш каби қарорлар тўғри, лекин уларни амалга ошириш учун инфратузилма ва кадрлар тайёрларлиги етарли бўлиши шарт.

Яна бир муҳим жиҳат экологик сиёсатнинг иқтисодий мазмун билан тўқдрилишидир. "Яшил иқтисодиёт", циркуляр иқтисодиёт ва барқарор молия каби йўналишлар жорий этилаётгани бу соҳага энди харажат эмас, инвестиция сифатида қаралаётганини кўрсатади. Бироқ бу тушунчалар амалиётда ишламас, фақат термин сифатида қолиб кетиши мумкин.

Экологик ва иқтисодий сиёсат ўртасидаги муносабатни қайта кўриб чиқиш масаласи бугун танлов эмас, балки заруратга айланади. Чунки ўсиш модели ўзининг ички чекловларига яқинлашмоқда. Ресурсларга таянган ривожланиш қисқа мuddатда натижа беради, аммо узок мuddатда иқтисодий тизимнинг ўзига босим яратди.

Ушбу ҳолатни содда мисол билан тушунтириш мумкин: агар иқтисодиёт табиат капитали ҳисобидан ўсса, у ҳолда бу ўсиш қарз ҳисобидан амалга оширилаётганига ўхшайди. Фарқи шундаки, қарз молиявий ҳисобларда кўринмайди, лекин унинг фоизи жуда юқори бўлади.

Асосий масала "иқтисодий ўсиш ёки экология" танлови эмас. Асл савол бошқача қўйилиши керак: қандай ўсиш ва қайси нарх эвазига?

Агар ўсиш ресурслар сарфи, сув танқислиги, ер деградацияси ва соғлиқга таъсир ҳисобидан таъминланса, у ҳолда ўсиш барқарор эмас. У иқтисодий кўрсаткичларда акс этса-да, реал фаровонлиқни оширмайди.

Шу сабабли иқтисодий сиёсат марказида сифат масаласи туриши керак. Яъни ўсиш суръати эмас, балки унинг тарихи ва манбалари халқ қилуви аҳамият касб этади.

Бугунги шартда экологик омилларни ҳисобга олмаслик нотўғри ҳисоб-китоб эмас, балки стратегик хатолиқ. Чунки экологик чекловлар аллақачон иқтисодий чекловларга айланмоқда. Сув ресурслари, энергия самардорлиги, ер ҳолати — булар иқтисодий ўсишнинг келажак чегараларини белгилаб беради.

Шу нуқтан назардан, экологик-иқтисодий трансформация учта асосий тамойилга таяниш керак.


Биринчиси, табиий капитални тан олиш. Табиатга ресурс эмас, актив сифатида қаралиши керак. Унинг қиймати ҳисобга олинмас экан, иқтисодий қарорлар ҳам нотўғри бўлади.

Иккинчиси, самардорлиқни ошириш. Сув, энергия ва ер ресурсларидан фойдаланиш самардорлиги иқтисодий сиёсатнинг марказий кўрсаткичига айланиши лозим. Бу ерда гап фақат тежаш ҳақида эмас, балки рақобатбардорлик ҳақида кетмоқда.

Учинчиси, институционал сифат. Энг тўғри стратегия ҳам, агар уни амалга оширадиган институтлар заиф бўлса, натижа бермайди. Маълумот шарафлиги, ҳисобдорлик ва мувофиқлаштириш экологик сиёсатнинг техник эмас, асосий шартидир.

Шу билан бирга, трансформация жараёнида вақт омилни унутмаслик керак. Экологик муаммолар кечиктиришни кечирмайди. Ортта сурилган ҳар бир қарор кейинчалик анча юқори иқтисодий ва ижтимоий харажатларга олиб келади. Бу ерда яна бир муҳим ҳақиқат бор: энг қimmat сценарий бу — ҳеч нарса қилинмаслик.

Чунки инерцион ривожланиш ташқи жиҳатдан барқарор кўринаса-да, ички муаммоларини йиғиб боради. Вақт келиб, бу муаммолар иқтисодий ўсишни секинлаштиради ёки тўхтади. Аксинча, экологик трансформация қисқа мuddатда қийин ва харажатли кўриниши мумкин. Лекин у узок мuddатли иқтисодий барқарорлиқни таъминлайди. Шу нуқтан назардан қараганда, танлов аслида учта сценарий ўртасида эмас. Танлов битта: назорат қилинган трансформация ёки назоратсиз оқибатлар. Мамлакатимиз тараққиётининг кейинги босқичи айнан шу қарорга боғлиқ бўлади. Яқунда бир оддий, лекин ҳал қилувчи савол қолади: иқтисодиёт табиатни ҳисобга олган ҳолда ўзгарадими ёки табиат чекловлари уни мажбур қиларми? Мазкур саволга жавоб бугун қабул қилинган қарорларда мумкин.



УШБУ МАҚОЛНИ КОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Ресурсдан — натижага

Кўзда тутди. Зеро, бугунги кунда глобал иқтисодий майдонда фақат табиий ресурсларга таянганлар эмас, балки интеллектуал салоҳият ва инновациялари ишлаб чиқаришга интеграция қилган мамлакатлар етакчилик қила олади. Президентимиз маърузаларида қайта-қайта таъкидланган бош ғоя ҳам университетлар ва саноат корхоналари ўртасидаги "кўприк"ни мустаҳкамлашдир. Корхона халқаро бозорда рақобатбардор бўлиши учун у фақат арзон ишчи кучи ёки хомашёга эмас, балки билим ва инновацияларга таяниши лозим. Бу жараёнда илмий ишланмаларни тижоратлаштириш ва илмий иқтисодий қийматга айлантириш устувор вазифа этиб белгиланган. Бу борада ҳуқуқий пойдевор

Қўйилган талабларни амалга оширишда социология фанининг аҳамияти бекиёс. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда социология фани қайта тикланиш ва олийгоҳларда малакали социологлар тайёрлаш йўлга қўйилиши шунчаки академик ўзгариш эмас. Бу бошқарув тизимининг илмий асосга ўтаётганидан далолат. Социологияни фақат "диагностика қиладиган фан" деб қараш хато. Чунки у нафақат жамиятнинг таҳлил қилади, балки уни тушуниради, баҳорат қилади ва ҳатто ўзгариш механизмига таъсир қилади. Социология жамиятдаги муаммоларни аниқлайди (ишсизлик, тенгсизлик, миграция). Сабабларни таҳлил қилиб, оқибатларини баҳолайди, ечимлар бўйича илмий таълим беради.



Камолот пиллапояси

ҲАР БИР БИТИРУВЧИ — ЮРТ ТАЯНЧИ

Баҳорнинг охириги ойи ҳам яримлаб қолди. Ҳар йилгидек, мактаб битирувчилари сўнгги кўнғироқ тараддудига тушган. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги мутасаддиларига кўра, бу йил республикамиздаги 10 минг 193 та умумтаълим мактабининг 1 миллион 94 минг 330 ўқувчи тамомлайди. Уларнинг қарийб 622 минги 9-синф, 500 мингга яқини 11-синф битирувчилари.

Жорий йилда мактаб ўқувчилари минтақавий ва халқаро фан олимпиадаларида 24 та олтин, 46 та кумуш, 57 та бронза медални қўлга киритди. 2 ўқувчи Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди. Тил билиш сертификатига эга мактаб ўқувчилари сони 40 минг 566 нафарни ташкил этиб, 2021 йилдагига (10 минг 960 нафар) нисбатан 3,7 баробар ўсish кузатилади. Бу йилги 9-синф битирувчиларининг 16 минг 481 нафари аъло даражали шаҳодатномага, 11-синф битирувчиларининг 12 мингга яқини кумуш ва олтин медалга эга бўлиши кутиляпти.

Жорий йилда мактаб ўқувчилари минтақавий ва халқаро фан олимпиадаларида 24 та олтин, 46 та кумуш, 57 та бронза медални қўлга киритди. 2 ўқувчи Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди. Тил билиш сертификатига эга мактаб ўқувчилари сони 40 минг 566 нафарни ташкил этиб, 2021 йилдагига (10 минг 960 нафар) нисбатан 3,7 баробар ўсish кузатилади.

Бу йилги 9-синф битирувчиларининг 16 минг 481 нафари аъло даражали шаҳодатномага, 11-синф битирувчиларининг 12 мингга яқини кумуш ва олтин медалга эга бўлиши кутиляпти.

Олтин ва кумуш медал таълимнинг кейинги босқичида имтиёзлар берадими? Тўғри, мактабдан олтин ёки кумуш медал билан тамомлабларига ҳеч қандай имтиёз берилмайди. Медаллар билан тақдирлашдан асосий мақсад — ўқувчиларнинг таълим олишга қизиқишини янада ошириш, улар ўртада соғлом рақобатни шакллантириш ва иқтидорларини билимини рағбатлантириш.

Зеро, 9-синфни битирганлик тўғрисидаги аъло даражали шаҳодатнома соғлом, 10- ва 11-синфларда барча фанлар бўйича чораклик,

Шу маънода, энди социологик тадқиқотлар давлат сиёсатининг йўналишларини белгилаб берувчи асосий омил бўлиши шарт. Бу жараёндаги энг муҳим бурилиш бир марталик сўровлардан доимий мониторинг тизимига ўтишдир. Эндликда жамиятдаги кайфият, аҳолининг давлатга ишончи қаерда ортаётгани ва қаерда заифлаётгани мунтазам равишда таҳлил қилиб борилади. Қайси қарор халққа манфаат келтиряпти, қайси эса адолатсиз деб қабул қилинапти — буларнинг барчаси рақамлар ва илмий ҳулосалар асосида Президентимизга тақдим этилади. Давлатимиз раҳбари тошпиринга биноан, ҳудуд ва тармоқлар раҳбарлари рейтингини аниқлаш бўйича янги методология ишлаб чиқилди. Бу рейтинг ижтимоий фикр ва халқнинг реал розилигига асосланади. Раҳбарнинг фаолияти баҳони ўша ҳудуд ёки тармоқда яшайётган ва ишлаётган одамлар беради. Бу тизим раҳбарларни "наста тушиб", одамлар муаммоси билан бевосита шуғулланишга мажбур қиладиган кучли механизм бўлади.



Йиллик ва якуний назорат баҳолари аъло, намунали ҳуқ-атворли ва жамоат ишларида фаолият кўрсатган битирувчиларига бунга сазовор бўлади.

Мақтабларда якуний давлат аттестация имтиҳонлари 16 июнга қадар якунланади.

Шаҳодатномаларни бериш тартиби қандай? Мақтаб таълими соҳасидаги жараёнларни рақамлаштириш, ортқча бюрократик тўсиқларнинг олдини олиш, шунингдек, ўқувчиларга янада қулайлик яратиш мақсадида 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб мактаб битирувчиларига электрон шаҳодатнома бериш тартиби жорий этилган. Шунга кўра, мактаб битирувчилари электрон шаҳодатномаларини Ягона интерактив давлат хизматлари (my.gov.uz) портали ва e-shahodatnoma.uz ахборот тизимидан бепул юклаб олиши мумкин.

11-синф мактаб битирувчиларининг шаҳодатнома мазмунотлари Билим ва малакалари баҳолаш агентлигининг олий таълим муассасаларига қабул бўйича электрон платформасига интеграция қилинган. Бу олий таълим муассасаларига электрон ҳужжат топшириш жараёнида битирувчининг шаҳодатнома мазмунотлари автоматик тарзда тақдим этилади, дегани. Битирувчилар шаҳодатномаларини шахсан тақдим этишларига эҳтиёж йўқ.

Бундан ташқари, эндиликда шаҳодатнома ифтихорига эришган битирувчилар дубликат олиши шарт эмас, электрон тизимдан бепул қайта юклаб олиш мумкин. Бу ортқча овозрагарчилик, ҳам вақт, ҳам нақднинг йўқотишига барҳам бериши билан қимматли. Таълим тизимини рақамлаштириш тақомиллаштириш борар экан, келажакда кўплаб қулайликлар яратилади. Фарзандларимиздан эса шунга яраша ўқиб-ўрганиш, етук инсон бўлиш талаб этилади.

Қанчалик аниқ пайтда орзуларга тўла, ҳаяжон билан таълимнинг янги босқичи, катта ҳаёт оstonасида турган ўғил-қизларини — бизнинг эртамиз. Шунинг учун уларнинг режа ва мақсадларига бефарқ қарай олаймиз. Ўйлаймики, мактаблардан учирма бўлаётган дилбандларимиз янги таълим даргоҳларидан ҳам муносиб ўрин топиб, жамият учун керакли кадрларга айланади.

Муножат МҶМИНОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ИЛМ — КУТУБХОНА УЧУН ЭМАС, ҲАЁТ УЧУН

БУГУНГИ КУН РАҲБАРИДАН ҚАТЪИЯТДАН ТАШҚАРИ, МУАММОНИНГ ИЧКИ МОҲИЯТИНИ ИЛМҲИ АСОСДА АНГЛАШ САЛОҲИЯТИ ҲАМ ТАЛАБ ЭТИЛАДИ



Тoшпўлат МАТИБOЕВ, социология фанлари доктори, профессор

Тез ўзгараётган дунёда илм-фаннинг қадри унинг қанчалик кўп китобларда акс этгани билан эмас, балки инсонлар ҳаётини қанчалик ижобий томонга ўзгартиргани билан ўлчанмоқда. Гап шундаки, узоқ йиллар илмий фаолият деганда фақат диссертация химоя қилиш, академик учун олиш ва кутубхоналар учун қилинган жиддли китоблар ёзиш тушуниб келинди.

Натижада назария ва ҳаёт ўртасида улкан узиллиш пайдо бўлди. Бироқ тарих гувоҳлик берадики, инсоният эришган энг буюк ютуқлар айнан назария ва амалиётнинг жипслашган нуктасида тугилган. Шу сабабли бугунги давр талаби "илмий иш илмий иш учун" эмас, балки "ҳаёт учун илм" тамойилидир. Бу тамойил олимлардан билим тўплашдан ташқари жамиятнинг энг оғриқли муаммоларига реал ечим топишни талаб қилади. Илм-фаннинг амалиёт билан уйғунлиги учта муҳим йўналишда стратегик устулик беради.

Биринчидан, ижтимоий муаммоларнинг тезкор ечими. Таълим, соғлиқни сақлаш ва экология ҳамда соҳалардаги муаммолар фақат кабинетда ўтириб эмас, балки реал вазиятни илмий таҳлил қилиш орқали ҳал этилади.

Иккинчидан, инновация ва рақобатбардорлиқни юзага келтириш. Янги технологиялар ҳамда соҳалардаги муаммолар фақат кабинетда ўтириб эмас, балки реал вазиятни илмий таҳлил қилиш орқали ҳал этилади.

Учинчидан, ёш олимлар масъулиятини ошириш. Тадқиқотчи ўз ишининг натижаси қайсида қорхона ёки соҳада қўлланишини билса, унинг жамият олдидаги масъулияти ва иштиёқи бир неча баробар ортади.

Президентимиз таъкидлаётган энг муҳим жиҳатлардан бири муаммони жойида ўрганишидир. Ҳақиқий олим — ҳаётнинг ичига кириб борган инсон. Қишлоқ хўжалиги олими далада фермер билан елкама-елка туриши, таълим соҳаси тадқиқотчиси эса мактаб партасидаги мухитни ҳис қилиши шарт. Шундангина илмий иш наф келтирадиган кучга айланади.

Германия, Жанубий Корея ва Сингапур каби давлатларнинг иқтисодий мўъжизаси замирида айнан университетлар ва ишлаб чиқариш ўртасидаги мустаҳкам кўприк ётади. Уларда ҳар бир илмий ғоя бозорда ёки ижтимоий соҳада ўз аксини топмас, у тўлиқ қийматга эга деб ҳисобланмайди. Шунинг учун бугун янги Ўзбекистонда ҳам илмий тадқиқотларни баҳолаш мезонлари тубдан ўзгармоқда. Энди асосий эътибор мақолалар сонига эмас, балки ўша тадқиқотнинг амалий аҳамиятига қаратилади.

Давлат томонидан яратилаётган инновацион марказлар, стартаплар ва илмий грантлар айнан илмий ҳаётга яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Илм эса жамиятнинг ҳаракатга келтирувчи куч. Агар у амалиётдан узилса, ўз моҳиятини йўқотади.

Инсоният тарихида илм-фан ривожига бекиёс ҳисса қўшган буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг илмий меросида марказий ўринлардан бири илм ва амал уйғунлиги ғояси эгалади. Бугунги кунда "илм ҳаёт учун хизмат қилиши керак" деган тамойил айнан Имом Бухорийнинг бундан ўн бир асрдан олдин илмни сурган таълимлари билан

ҳамоҳангдир. Имом Бухорий ўзининг шоҳ асари бўлмиш "Саҳиҳул Бухорий"да алоҳида бир бобни "Илм сўз ва амалдан олдиндир" деб номлаган. Бу нафақат диний, балки дунёвий тараққиётнинг ҳам олтин қоидадир. У зотнинг фикрича, илмсиз амал — хато. Тўғри билимга таянмаган ҳар қандай ҳаракат адашишга ёки самарасиз натижага олиб келади. Амалсиз илм — самарасиз. Илм инсоннинг зеҳнида ёки қоғозда қолиб кетса, у худди мева бермайдиган дархат каби фойдасиз. Инсон, аввало, тўғри илмга эга бўлиши, сўнгра мана шу илм асосида сўзлаши ва иш тутиши лозим. Бу жамиятда тартибсизлик ва юзакиликнинг олдини олувчи асосий омилдир.

Имом Бухорий таълимотида кўра, ҳақиқий олим фақат кўп маълумот тўплаган шахс эмас, балки билганига амал қилган инсондир. Илм инсоннинг ахлоқини тарбиялади, унинг ички дунёсини ўзгартиради керак. Агар илм амалга айланмаса, у шунчаки маълумотлар тўплами бўлиб қолаверади ва унинг жамиятга таъсири сезилмайди. Бу ғоя бугунги кун олимлари, раҳбарлари ва тадқиқотчилари учун жуда катта масъулият юклайди. Ҳар бир илмий иш ланишининг ортида инсоният манфаати ва амалий фойда бўлиши шарт. Бугунги шиддатли тараққиёт даврида Имом Бухорийнинг илм ва амал ҳақидаги қарашлари янгича мазмун касб этмоқда. Энг аввало, бугунги дунёда фақат билиш етарли эмас, билимни иқтисодиётга, ишлаб чиқаришга ва ижтимоий фаровонликка айлантириш — давр талаби.

Ҳаёт бошқарувида ҳам раҳбарлардан муаммога илмий ёндашув билан қарашни тақозо этаётди. Замонавий дунёда бошқарув санъати шунчаки интуиция ёки тажрибга таянишдан чекинмоқда. Бугунги кун раҳбардан қатъиятдан ташқари муаммонинг ички моҳиятини илмий асосда англаш салоҳияти талаб этилмоқда. Замонавий бошқарув назариясида "илмий-амалий синтез" деб аталувчи концепция — раҳбарнинг илмий таҳлил ва эмпирик (ҳаётий) тажрибани бир нуктада бириктириши олиш самарадорлиқнинг бош мезонига айланади. Илмий ёндашув муаммони далиллар билан текшириш ва тизимли ҳулоса чиқаришни ўргатади.



мустаҳкамланапти. Стратегик қарорлар ва концепцияларга уруғ берилмоқда. Масалан, 2018-2021 йиллар оралиғида соҳани тубдан ислоҳ қилишга қаратилган бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилинган бўлса, кейинги босқич — 2022-2026 йилларда асосий уруғ "рақамли иқтисодиёт" ва "ақлли ишлаб чиқариш" тизимига ўтишга қаратилди.

Бугунги кунда ҳар бир йирик қорхонада илмий тадқиқот бўлимига алоҳида этилиши давлат сиёсатининг стратегик талабига айланади. Боз устига "илмий иш — амалий натижа" тамойилига ўтилди. Илмий жамият олдида қатъий талаб қўйилди. Бу ёндашув қатор ижобий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Илмий лойиҳаларни грант асосида молиялаштиришда уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилиши имконияти бош мезон этиб белгиланди. Корхоналарда инновацион муҳит яратилиши учун ёш олимлар ва илмий ҳодимларни бевосита саноат объектларига жалб қилиш тизими йўлга қўйилди. ОТИлар ва қорхоналар ўртасидаги ҳамкорлик шартномалари



талабаларни амалиётга йўналтириш ва илмий ишланмаларни синовдан ўтказиш майдонига айланади. Ислохотлар меваси сифатида бугунги кунда бир неча муваффақиятли лойиҳаларни қўриш мумкин. Энг аввало, технологиялар парклари барпо этилди. Рақамли технологиялар соҳасидаги минглаб стартаплар ва экспортга йўналтирилган хизматлар экотизими яратилди. Қишлоқ хўжалигида сув тежовчи технологиялар, янги селекция ишлари ва агротехнологик тадқиқотлар озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Саноатда рақамлаштириш тизими автоматлаштирилган бошқарув ва энергия-тежамкор тизимлар қорхоналар харажатларини камайтириб, самарадорликни оширмоқда.

"Илм — инновация — ишлаб чиқариш — рақобатбардорлик" занжирли модели шаклланди. Бунда илм-фан шунчаки назарий билим эмас, балки иқтисодий ўсишни таъминловчи ва янги иш ўринлари яратувчи асосий драйвер вазифасини бажаради. Қувонарлиси, илм-фанга муносабат тубдан ўзгарди. Энди ҳар бир қорхона инновацион, ҳар бир тадқиқот амалий ва ҳар бир олим жамият ривожига ҳисса қўлувчи куч бўлиши, бу стратегик зарурят ва келажак тараққиёт қафолатига айланади керак.

Социологик тадқиқотларнинг давлат бошқарувида энг жорий этилиши иккита стратегик мақсадга хизмат қилади. Биринчидан, қарорлар сифати ошади. Ҳар бир фармон ёки қарор аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиқиб қабул қилинади.

Иккинчидан, масъулият кучаяди. Раҳбарлар ўз фаолиятининг ойбони халқнинг фикри эканини ҳис этиб ишлаб билади. Шундай қилиб, янги тизим Ўзбекистонда ислохотларнинг самарадорлигини оширишда нафақат илмий асос, балки кучли ижтимоий назорат воситаси бўлиб хизмат қилади. Халқ розилиги эндиликда фақат маънавий мақсад, балки аниқ ўлчанадиган ва ҳисоб берилдиган давлат стандартидир. Замонавий бошқарув тизимида ҳар қандай ислохот ёки ижтимоий лойиҳа муваффақияти унинг нечоғли илмий асослангани ва жамиятдаги реал ҳолатни акс эттириганига боғлиқ.

Социологик тадқиқот қарори муайян ижтимоий муаммони илмий асосда ўрганиш, таҳлил қилиш ва амалий ечимлар ишлаб чиқиш мақсадида қабул қилинади. Таълимнинг илмий асосидаги фақат маънавий мақсад, балки аниқ ўлчанадиган ва ҳисоб берилдиган давлат стандартидир. Замонавий бошқарув тизимида ҳар қандай ислохот ёки ижтимоий лойиҳа муваффақияти унинг нечоғли илмий асослангани ва жамиятдаги реал ҳолатни акс эттириганига боғлиқ.


Социологик тадқиқот қарори муайян ижтимоий муаммони илмий асосда ўрганиш, таҳлил қилиш ва амалий ечимлар ишлаб чиқиш мақсадида қабул қилинади. Таълимнинг илмий асосидаги фақат маънавий мақсад, балки аниқ ўлчанадиган ва ҳисоб берилдиган давлат стандартидир. Замонавий бошқарув тизимида ҳар қандай ислохот ёки ижтимоий лойиҳа муваффақияти унинг нечоғли илмий асослангани ва жамиятдаги реал ҳолатни акс эттириганига боғлиқ.

“Шу кўчаларда ҳам ўзгариш, янгиланиш бўлармикан?” дея ўйладим бундан бир неча йил олдин Тошкент — Фарғона катта магистралдан борарканман. Хўқанди лагиф қиёфасидаги анъанавийликка уйғун замонавий ўзгаришлардан кўзим қувнарди.



Таассурот

ДАРЁНИ ДАРЁДИЛ БИЛАР



Мухтарама УЛУФОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Йўлларнинг оқ-қора хотираси

Фарғона водийсини юртимизнинг бошқа ҳудудлари билан боғлайдиган Камчиқ доминида неча бор ўтганимиз санғи йўқ. Қирқ йиллар олдин биринчи марта қадрдонимнинг “Волга” машинасида доводошиб, Марғилонга борганимдаги ҳаяжон ва кўрқув тафти ҳалигача босилмагандай. Ушанда асфалт деган нарса тушига ҳам кирмаган, шағал эмас, йирик-йирик тошлар қоплаб ётган йўлнинг бир томони тоғларга туташ, иккинчи томони эса тикка жарлик эди... Иккита машина рўбарў келиб қолса, жар томондаги машинада ўтирганларнинг юрагини ваҳима босарди: йўл тор, муюлишлари кўп, нотекис ва олис йўлнинг бирор бўлагиди ҳам жардан ҳимояладиган тўсиқ-восита йўқ... Эсон-омон манзилга етиб олганимизга беадад шукрона айтиб, довод йўлини орзуламай қўйгандим.

Тақдирларни ёритган чироқлар

Кўп қатнаверганидан кейин кўчалар, дарахту ариқлар, ҳатто йўл четига кимдир ўрнатган ёгон гўлаво қўлбола ўриндиқларга ёд бўлиб кетаркан. 1991 йил 1 сентябрь — мустақиллик саодати Ўзбекистон Илномасида янги саҳифалар очган кундан бошлаб, пахтазорларни қисқартириш ҳисобидан одамларга уй-жой



қуриш учун ерлар берилиши халқчил воқеа ва ижтимоий адолат йўлидаги заворли қадам бўлди. Халқ ширин тушдан уйғониб кетгану бу туш эмас, ҳақиқат эканини кўриб, кўзи, орзу-ҳаваси, ғайрати чакнаб кетгандек эди. Айниқса, ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб пахтазорлар исканжасида бўлган, пахтазорларга қўшилиб бошидан захарли дорилар ёқдирилган, дориланган далалардан сизиб чиққан сувга вақти келса юзини ювган қишлоқ аҳлининг куну тунлари ғайратга, завқли меҳнатга ва байрамога кайфиятга қоришиб кетди: Тошкент — Марғилон автобуси қоронғи тушганда Бешарик туманига кириб борган, энди йўлларни кузатиб зерикмасди одам: вақт алламаҳал бўлишига қарамай, икки томонда чироқлар ёнади; бир-бирига туташ янги қурилатган ҳовилларда кимдир девор тиклар, кимдир иморат қураб, яна кимдир том ёпарди. Ҳадемай, ҳа, жуда тез фурсатда кўркам иморатлар, тунукаво шиферли томлар, ярақлаган деразалару чиройли пардалар, янги экилган гул дарахтлар ормонд ва ҳавасманд қабиларнинг ўзига хос тилмоҳига айланади.

Кейинчалик... қишлоғу шаҳарлар орасида гектарларга чўзилган ўрикзорлар, олмазорлар, шафтолизорлар, беҳизору олхуризорлар бўй чўзди, гуллаб мевага кирди. Қовун-тарвуз поливлари, ловиязорлар, сабзавот пайкаллари барпо этилди... Давлатмандлар кўпайса, давлат бойиди дейди. Халқнинг соғлом бўлиши эса, биринчи навбатда, дастурхонда дармондориларга бой сабзавоту мева-чеваларнинг этари ва тўқиллигига боғлиқ. Халқимизда “оғирқаровон” деган сўз бор. Бу ташбеҳ етти ўлчаб бир кесадиган, қадамини чуқур мулоҳаза билан босадиغان, хулоса чиқаришга шошилмайдиганларга... баъзан эса янгликка қўл уришга иккила-ниб турадиганларга нисбатан ҳам ишлатилибди. Шу — кейинги тонфа вакиллари ҳаётнинг ҳамма соҳасида учрайди. Демокримизки, мустақиллик йилларининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший соҳалардаги янгиловчи ислохотлари натижаси баъзи ҳудудларда йиллар сайин яққол кўзга ташланган бўлса, айрим жойларда қадамини зўрга судраб босди.

“Шу кўчаларда ҳам ўзгариш, янгиланиш бўлармикан?” дея ўйладим бундан бир неча йил олдин Тошкент — Фарғона катта магистралдан борарканман. Хўқанди лагиф қиёфасидаги анъанавийликка уйғун замонавий ўзгаришлардан кўзим қувнарди. Тадбиркорликнинг, ер илмининг ҳадисини олган олти-арикликларнинг ҳовилларидан кўчаларигагача бирдек таралган ва қаралган узум сўриткорларини томорқаларига, шунингдек, уларнинг даромади рамзи бўлган кўркам ҳовли-жойларига тасаннолар айтиб бордим.

Бозорни бир айланиб...

Бу йил яна баҳорга етказганига шукрона айтиб, дийдорув саовот талабиди тонг пайти йўлга чиқдим. Қамчиқ доводининг саккиз-талаб машина бирдек ҳаракатлана оладиган магистрални кўриб улгайган фарзандларимизга бу йўлларнинг ярим аср, борингки, ўттиз йил олдинги ҳолати ҳақидаги гапларимиз эртадек туюлади. Довон оша водийга қалбан елиб борарканман, яна йўлнинг икки томонини, катта йўлга ирмоқдек қўшилган кўчаларгагача синчиқлаб кузатаман: тоғ ёнбағирларида ҳам паллапартиш эмас, расамади билан экилган дарахтлар қад ростлаган, йўллар четигаги қатор тераклар бўй-баста сараланган навқирон аскарлар сафини эслатади. Аввалги йиллардаги каби йўловчилар улқотириб кетадиган ҳар хил сув ва егуликдан бўшаган идишлар, қоғозу елим халтачалар деврили кўринмайди. Аҳоли яшайдиган қишлоқлар ва уларни боғлайдиган олис-олис кўчалар, кенгликлар ҳамда далалардаги сариш-салик, озодалик “ярк” этиб кўзга ташланади. Салобати ниғоҳга сиймайдиган ўрикзорлар ва олмазорлар улкан гулдастага ўхшайди. Токи Марғилонга етгунча йўлларнинг илгарини кўроқ манзараси тамоман ўзгарганини кўрасиз: қадим йўллардаги қаддон қишлоқлар кетма-кет пешовз чиқади, ҳаммасида ободлик, саришталик, девору иморатлари текис гиштин ҳовиллар қад ростлаган... “Янги авлод”, “Келажак” деб номланган марказлар, нововийоналар олдида шукрона келтириб ўтаемиз.

Ватанга муҳаббат шунчаки туйғу эмас, инсон қалбидаги гурур, дахлдорлик ва ўзини кенгрок маънога эга бир бутуннинг ажралмас қисми сифатида англашди. Зеро, Ватан — хотиралар маскани. Бу заминда илк қадамларимиз, биринчи дўстларимиз, илк устозларимиз ва ҳаёт ҳақидаги дастлабки тушунчаларимиз мўжассам. Инсон ўз юртига нисбатан энг илиқ ва самимий туйғуларни айнан шу хотиралар орқали ҳис этади.

ВАТАННИ СЕВИШ ФАҚАТ ТУЙҒУ ЭМАС, АМАЛИЙ ҲАРАКАТ ҲАМДИР

Кексалар ўғити

Атроф-оламни англамасдан туриб, Ватан туйғусини чуқур ҳис этиш мушкул. Болаликда энг оддий, ҳатто кичик бир хотира ҳам инсон қалбиди бутун умрга ўчмас эс қолдиради. Ватан тушунчаси ва унинг тимсоли айнан шу руҳий хотиралар билан узвий боғлиқ бўлиб, киши уни йиллар ўтган сари янада теран англайди. Назаримда, ҳар бир инсон ўзи яшаётган ҳудуд, маҳалла ва жамоат олдидаги масъулиятни доимо ҳис этиши лозим. Келажак авлодини турли ёт иллатлардан асраш, уларни тўғри йўлга йўналтириш, оғоҳлик ва ушёрликка ўргатиш — бугуннинг энг долзарб вазифаларидан бири. Машҳур мутафаккир Имом Ғазолий бундай деган: “Ватаннинг ҳам ҳақлари бўлади. Уларнинг биринчиси шу Ватанга тинч-хотиржам, шукрона келтириб яшаш ҳақиқидир. Шунингдек, Ватандан кетганда уни соғиниш, Ватан камситилганда ғазабланиш, Ватанга ҳужум қилинганда уни ҳимоя қилиш ҳам Ватаннинг шу юртда туғилиб ўсганлар зиммасидати ҳақиқидир...”



Бироқ энг асосий шарт шуки, инсон қайси соҳада фаолият юритмасин, ўз ишини холислик ва самимият билан бажариши зарур. Ана шундангина бу меҳнат ҳақиқий маънода она Ватан равнақи ва нуфузини юксалтиришга қаратилган эзгу хизматга айланади. Ватан миллатга дахлдорликни англаш, яқин инсонларга эҳтиёжни ҳис этиш ҳамда қалбдан кечирилмайдиган туйғулар маъмуасидир. Бу ҳиссиётлар инсон онгига чуқур илдири отиб, вақт ўтиши билан чинакам ватанпарварлик туйғусига айланиб боради.

Юртга дахлдорлик нима дегани? Бу ҳар қандай вазиятда юртининг шайни, қадр-қиммати ва озолигини ҳимоя қилишга тайёр туришдир. Зеро, ҳеч бир инсон эрки ва мустақиллигининг хавф остида қолишини истамайди. Беҳудудий, Авлоний, Мунавварқори, Фитрат каби маърифатпарварларнинг ижоди, жасорати ва ҳаёти бугунги авлод учун ҳам юксак намуна. Шубҳасиз, бундай улғуларнинг ҳаёт йўли ҳар биримиз учун мардлик, садоқат ва Ватанга муҳаббат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Қадриятларимизни эъозлаш, она тилимизни соф ҳолида асраш, бир-биримизга хурмат ва меҳр билан муносабатда бўлиш, шунингдек, инсоф ва динёнат каби фазилатларни ҳаёт тарзимизга айлантириш — азалий урф-одатларимизнинг ёрқин ифодаси. Намуна орқали тарбия бериш — энг самарали йўл. Шу боис, ҳар биримиз

атрофдагиларни ҳам эзгу амалларга илҳом-лангирани олишимиз лозим. Таълим эса Ватанни севишни ўргатишнинг энг ноёб ва таъсирчан воситаларидан бири бўлиб қолаверади. Мен шу юртининг нурунийларидан бири сифатида ёшларга бундай дегим келади: азиз набираларим, мамлакатимиз тарихини акс эттирувчи китобларни кўпроқ ўқинг! Юртимизнинг бой тарихи, улғу аждодларимиз ҳаёти, жасорати ва ютуқлари ҳақида чуқур билимга эга бўлинг. Музейларга боринг, тарихий қадимколларни зиёрат қилинг, саёҳатлар орқали Ватанни яқиндан кашф этинг. Шунда юртимизнинг машаққатли синовлари ва буюк ютуқларини теран англаб, янада кўп қадрайсиз ҳамда кўз қорачингдек асрашга интиласиз. Чунки тарихий мерос ва табиий бойликларни англаш инсон қалбиди мастулият, бурч ва фахр туйғуларини уйғотади. Ватанга муҳаббатнинг яна бир муҳим кўриниши маҳаллий бизнес ва маҳсулотларни қўллаб-қувватлашдир. Бу орқали мамлакатимиз иқтисодийтини ривожлантиришга ҳисса қўшасиз, янги иш ўринлари очилишига сабабчи бўласиз. Бу кичик қадамдек туюлса-да, аслида, юрт равнақида хизмат қилувчи муҳим омилдир. Шунингдек, жамоат ишларида фаол иштирок этиш, кўнгиллилик фаолиятига қўшилш ҳам фуқаролик бурчининг ёрқин кўриниши. Ҳўчаларни обод қилиш, муҳтожларга ёрдам бериш, етим болалар ва ногиронларга кўмаклашиш, хайрия тадбирларида иштирок этиш — буларнинг барчаси Ватанга муҳаббатнинг амалий ифодаси. Атроф-муҳитни асраш ҳам ватанпарварликнинг ажралмас қисми. Табиати муҳофаза қилиш, ҳавонии тоза сақлаш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш орқали келажак авлодга обод ҳамда гўзал юрт қолдирамиз.

Мардикул СИДДИҚОВ, фахрий журналист

GAZETA DАGI МАТЕРИАЛЛАРИНОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА УҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.